БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 87
10 ИЮНЬ ПАЙШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети СССР тараққиётининг Бешинчи бешйиллик планини амалга ошириш соҳасидаги тадбирларни маблағ блан та'минлаш учун аҳолининг маблағларини жалб этиш мақсадида 16 миллиард сўм миқдорида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёми чиқаришга қарор қилди.

Совет халқи янги Давлат заёми чиқариш тўғрисидаги бу қарорни зўр ухрсандчилик блан кутиб олди.

Тинчлик, фаровонлик заёми

Бугун газеталарда ССР Иттифоқи Министрлар Советининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмини чиқариш ҳақидаги қарори э'лон қилинмоқда.

Областимиз меҳнаткашлари СССР Министрлар Советининг янги заём чиқариш тўғрисидаги қарорини ҳурсандчилик блан кутиб олдилар. Кеча кечқурун Давлат заёми чиқариш тўғрисидаги қарор радио орқали эшитдирилиши бланоқ завод, фабрикаларда, колхоз, совхозларда, МТСларда, ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларида заёмга ёзилиш зўр кўтаринки руҳ блан бошланди.

Тошкент тўқимачилик комбинати гул босиш фабрикаси пардозлаш цехининг бошлиғи ўртоқ Иброҳимов бутун ўзбек халқининг фикрини ифодалаб, заёмга ёзилишга бағишланган митингда бундай деди:

— Янги заём меҳнаткашларнинг турмушини янада яхшилашга, мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Менинг давлатга қарз берилган меҳнат пулларим халқнинг бахт-саодати йўлида, тинч қурилиш иши учун сарф қилинсин.

Иттифоқ ҳукумати СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги тадбирларни маблағ блан та'минлаш учун аҳолининг маблағларини жалб этиш мақсадида янги Давлат заёмини 16 миллиард сўм миқдорида чиқаришга қарор қилди.

Мамлакатимиз халқлари партия, ҳукуматимиз раҳбарлигида хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида ғоят катта муваффақиятларга эришиб, коммунистик жамият қуришдек буюк вазифани ҳал этмоқдалар. Жамият тараққиётининг об'ектив иқтисодий қонунларига амал қилиб иш кўраётган шонли Коммунистик партия халқимизни коммунизм ғалабалари сари буюк ишонч блан олға бошлаб бормоқда.

Коммунистик партиямизнинг совет экономикасини ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришга, мамлакат мудофаасини та'минлашга ва Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатининг изчиллик блан амалга оширилиши натижасида социалистик саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги тез сур'атлар блан ривожланмоқда, капитал қурилиш ва уй-жой қурилиши кенгайтирилмоқда, социалистик маданиятнинг ҳамма соҳалари гуллаб-яшнамоқда.

Ватанимиз меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч ва ижодий ғайратларини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга сафарбар қилмоқдалар. Мамлакатимиз халқ хўжалиги шундай тез сур'атлар блан ривожланмоқдаки, иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган капиталистик мамлакатлар ҳам бундай сур'атлар тўғрисида ҳатто хаёл ҳам қилаолмайдилар. Бешинчи бешйиллик учинчи йили топшириқларининг бажарилиши натижасида 1953 йилда бутун саноат маҳсулотининг ҳажми урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан икки ярим баравар ошди. СССРнинг миллий даромади шу давр ичида икки мартадан знёд кўпайди. Бу эса меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг ўсаётганлигини, мамлакатимиз экономикасининг юксалаётганини, СССР халқлари маданияти ва сан'атининг гуллаб-яшнаётганлигини кўрсатучи ёрқин далилдир.

1954 йилнинг биринчи квартали мобайнида саноат ишлабчиқариши соҳасида катта ғалабаларга эришилди. Қишлоқ хўжалигида ҳам ғоят катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг карорлари, партия, ҳукуматимизнинг кейинги бирқанча қарорлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кенг йўлларини кўрсатиб берди ва қишлоқ хўжалик экиналридан мўл ҳосил етиштириш, 2—3 йил ичида аҳолини озиқ-овқат ҳамда енгил саноатни хомаш'ё блан кўпроқ та'минлаш тадбирларини белгилади.

Бизда саноат ишлабчиқаришининг ўсиши, маҳсулот таннархининг камайиши натижасида жамият бойлиги тобора ортмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи кўпаймоқда, колхозчи деҳқонларнинг пул ва натура даромадлари ошмоқда. СССР миллий даромадининг йил сайин ўсиб бораётганлиги халқ моддий фаровонлигининг ўсаётганлигини яққол кўрсатади. СССРнинг миллий даромади 1953 йилда 1940 йилга нисбатан икки баравар ошди. 1952 йилга нисбатан эса 8 процент кўпайди. Бешинчи бешйилликда ишчи, хизматчиларнинг реал иш ҳақи чакана нархларнинг камайиши ҳисобига камида 35 процент кўпаяди. Бизда халқ кучи блан, халқ ижоди блан вужудга келган миллий даромаднинг ҳаммаси меҳнаткашларникидир.

Совет давлати заёмлари тинч қурилиш ва халқ фарровонлиги заёмларидир. Бизда заёмлардан тушадиган маблағларнинг тинч қурилиш манфаатларига, халқ моддий фаровонлигини янада ошириш ва уларнинг маданий даражасини юксалтиришга сарф этилиши Совет ҳукумати томонидан изчиллик блан амалга оширилаётган тинчлик сиёсатининг ёрқин ифодасидир. СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёми бешинчи бешйиллик планда белгиланган тадбирларни амалга оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилади. Чунки заёмдан келадиган маблағларга янги фабрикалар, заводлар қурилади, МТСлар тракторлар комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари блан янада кўпроқ та'минланади. Заём маблағлари фанни, халқ маорифини, соғлиқни сақлаш ишларини кенгайтиришга ва шаҳар, қишлоқларимиз ҳамда ишчи посёлкаларини янада обод ва кўркам қилишга сарфланади. Шу блан бир вақтда меҳнаткашлар давлат заёмлари ютуқларидан анчагина даромад оладилар.

Бизнинг давлат заёмларимиз капиталистик давлат заёмларидан тубдан фарқ қилади. Америка Қўшма Штатлари, Англия ва экономикаси издан чиққан бошқа капиталистик мамлакатларда заёмлар зўр бериб қуролланиш, меҳнаткашларни қашшоқлантириш ва ҳукумдор синфларнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлаб чиқарилмоқда.

Фаровон ҳаёт кечираётган ва ижодий кучлари барқ уриб яшнаётган мамлакатимиз меҳнаткашлари блан биргаликда областимизнинг ишчи, колхозчи ва интеллигентлари давлат заёмларига ихтиёрий равишда зўр кўтаринкилик руҳи блан ёзилиб, ўзларининг жамғармаларини давлатга қарз бермоқдалар. Чунки, улар ўз маблағлари мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, халқимиз моддий фаровонлиги ва маданий даражасини янада юксалтиришга ёрдам беражагини яхши биладилар.

Областимиз меҳнаткашлари заёмга ёзилишни 1954 йил халқ хўжалик планини ортиғи блан бажариш, меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишларини, айниқса ғўза парваришини сифатли ўтказиш шиори остида ўтказмоқдалар.

Партия, совет, комсомол ва касаба союз такилотлари аҳоли ўртасида заёмга ёзилишнинг катта сиёсий аҳамиятга эга эканлигини кенг тушунтиришлари ва ташкилотчилик ишларини олиб боришлари керак. Заёмга ёзилишга ёрдам беручи комиссиялар заёмга ёзилишнинг ихтиёрий эканлигига жиддий э'тибор беришлари лозим.

Шубҳа йўқки, заёмга ёзилиш бу йил ҳам қарқачонгидек муваффақиятли якунланади. Совет кишилари СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмига бирдамлик блан ёзилиб, ўзларининг Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига ва ўз социалистик Ватанларига бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатадилар.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмини чиқариш тўғрисида

СССР тараққиётининг Бешинчи бешйиллик планини амалга ошириш соҳасидаги тадбирларни маблағ блан та'минлаш учун аҳолининг маблағларини жалб этиш мақсадида ССР Иттифоқи Министрлар Совети **қарор қилди:**

1. СССР Халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёми 16 миллиард сўм миқдорида 20 йиллик муддат блан чиқарилсин.

2. Заём облигациялари ва улардан келадиган ютуқлар давлат ва маҳаллий солиқлардан ҳамда йиғимлардан озод қилинсин.

3. СССР Халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмини чиқариш тўғрисида СССР Молия Министрлиги томонидан тақдим этилган шартлар тасдиқлансин.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТОМОНИДАН 1954 ЙИЛ 8 ИЮНЬДА ТАСДИҚЛАНГАН

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмини чиқариш ШАРТЛАРИ

1. СССР Халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёми 1954 йилнинг 1 декабридан 1974 йилнинг 1 декабригача бўлган муддатга чиқарилади.

2. Заём фақат аҳоли ўртасида тарқатилади. Заёмни тарқатиш тартибини СССР Молия Министрлиги белгилайди.

3. Заём разрядларга бўлинади ва ҳарбир разрядда 100 миллион сўмдан бўлади.

Ҳарбир разряд 20.000 сериядан иборат бўлади. Ҳарбир разряддаги серия лар № 160.001 дан № 180.000 гача бўлади.

Ҳарбир сериядаги облигациялар № 01 дан № 50 гача бўлади.

4. Заём облигациялари 500, 200, 100, 50, 25 ва 10 сўмлик қилиб чиқарилади. 500 ва 200 сўмлик облигациялар ҳарбир сериянинг бешта ёки иккита юз сўмлик облигациялардан иборат бўлиб, уларга бешта ёки иккита номер қўйилади ва бу номерлар беш ёки икки ютуқ олиш ҳуқуқини беради. Бу ютуқлар облигацияларда кўрсатилган номерларнинг ҳарбирига бирйўла чиқади.

50, 25 ва 10 сўмлик облигациялар юз сўмлик облигацияларнинг қисмлари бўлиб, улар юз сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг тегишли ҳиссасини ($^1/_2$, $^1/_4$, $^1/_{10}$ ҳиссасини) олиш ҳуқуқини беради.

5. Заём облигациялари бўйича бутун даромад ютуқ шаклида тўланади.

Ютуқларнинг умумий суммаси заёмнинг йигирма йиллик муддати давомида йилига ўртача 3 процент ҳисобидан белгиланган.

Заёмнинг йигирма йиллик муддати мобайнида барча облигацияларнинг 35 процентига ютуқ чиқади, облигацияларнинг қолган 65 процентига эса уларнинг ўз қиймати тўланиб қайтариб олинади.

Ютуқ чиққан облигацияларнинг пули тўланади ва бу облигациялар шундан кейинги тиражларда қатнашмайди.

Заём ютуқлари юз сўмлик облигация учун 10.000, 5.000, 1.000, 500 ва 200 сўм миқдорида белгиланади. Бунга облигациянинг ўз қиймати (юз сўм) ҳам киради.

6. Заёмнинг йигирма йиллик муддати мобайнида ҳар йили иккитадан, жам'и 40 марта ютуқ тиражи ўтказилади.

Ютуқ тиражлари 1955 йилдан бошлаб, СССР Молия министрлиги томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

7. Ютуқ тиражларида заёмнинг ҳарбир разрядига, я'ни заёмнинг ҳар 100 миллион сўмига қуйидаги миқдорда ютуқлар ўйналади:

Юз сўмлик облигацияга чиқадиган ютуқларнинг миқдори, бунга облигацияларнинг ўз қиймати ҳам киради	Ўйналадиган ютуқларнинг миқдори	
	Бир тиражда	40 тиражнинг ҳаммасида
10.000 сўм	1	40
5.000 сўм	10	400
1.000 сўм	50	2.000
500 сўм	500	20.000
200 сўм	8.189	327.560
Ютуқларнинг умумий миқдори	8.750	350.000
Ютуқларнинг умумий сўммаси (сўм ҳисобида)	1.997.800	79.912.000

8. Ютуқ чиқмай қолган облигациялар 1959 йил 1 декабрьдан бошлаб заём муддатининг охиригача қолган 15 йил ичида шу облигацияларнинг ўз қиймати тўланиб, қайтариб олинади.

Заёмнинг ҳар 100 миллион сўмидан 1959 — 1964 йиллар мобайнида ҳар йили 1.000.000 сўмлик, 1965 — 1969 йиллар мобайнида ҳар йили 1.900.000 сўмлик, 1970 — 1974 йиллар мобайнида ҳар йили 9.900.000 сўмлик облигация қайтариб сотиб олинади.

1959 — 1973 йиллар мобайнида қиймати тўланиб, қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган заём облигациялари ҳар йили ўтказиладиган қимматини тўлаш тиражлари блан белгиланади. Қимматини тўлаш тиражларини ўтказиш муддатларини СССР Молия Министрлиги белгилайди.

Қимматини тўлаш тиражларида чиқмай қолган облигациялар 1974 йил 1 декабрьдан бошлаб, қайтариб сотиб олинади.

9. Ютуқ чиққан облигациялар, шунингдек ўз қимматларига қараб қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган облигацияларнинг пулини 1975 йилнинг 1 декабригача олиш мумкин; шу муддат ўтгандан кейин пули қайтариб олинмаган облигациялар ўз кучини йўқотади ва уларга пул тўланмайди.

А. ЗВЕРЕВ.
СССР Молия министри.

Областимиз меҳнаткашлари янги заёмга зўр уюшқоқлик блан ёзилмоқдалар

☆ ☆ ☆

Халқимизнинг бахт-саодати учун

9-ичи июнь, кеч соат 7 да социалистик Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш, халқимизнинг тинч ҳаёти, бахт-саодати учун давлат заёмини чиқариш ҳақидаги жонажон Москвадан радио орқали эшитдирилган ҳушхабар «Таштекстельмаш» заводи коллективини беҳад қувонтириб юборди.

Заводнинг барча цехларида заёмга ёзилиш ҳақида митинглар бошланди.

Мана, ҳушхабардан руҳланган 5-ичи цех ишчилари. Улар ўз станоклари олдида туриптилар. Уларнинг юзларидан ниҳоят шодланаётганликлари сезилиб турипти. Митингни цех бошлиғи ўртоқ И. П. Рибалко очди. Цехнинг 2-ичи сменада ишловчи 250 га яқин ишчилари орасидан энг илғор новатор, токарь А. Г. Тихонов биринчи бўлиб сўзга чиқди.

— Совет давлатимизнинг бу заёми,— деб сўз бошлади ўртоқ Тихонов, — халқ хўжалигимизни янада ривожлантириш учун, шаҳар ва қишлоқларимизнинг яна обод бўлиши учун хизмат этади.

Тихоновдан сўнг кунлик нормаларини 200 процентдан бажариб келаётган токарь А. Сорокина ҳамда Ҳалил Жалилов ўртоқлар сўз олдилар. Улар цех ишчиларини яқдиллик блан заёмга ёзилишга чақирдилар ва биринчи бўлиб ёзилишни ўзлари бошлаб юбордилар. Барча ишчилар соат 8 га қолмасдан заёмга юз процент ёзилиб бўлишди.

Бу цех ишчи ва хизматчилари апрель ва май ойи планларини 118 процент қилиб бажарганлар.

Коммунист Ҳалил Жалилов токарьлардан А. Г. Тихонов, А. Сорокина каби кўплаб ёшлар кунлик нормаларини 250—300 процентга етказиб адо этмоқдалар.

1954 йил давлат заёми барча совет кишилари қаторида цех ишчиларини ҳам янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб юборди.

Т. ЯИЛОВОВ.

☆ ☆ ☆

Меҳнаткашлар қувончи

ТУЙТЕПА. (**Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Иттифоқ ҳукуматининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) давлат заёмини чиқариш ҳақидаги қарорини Ўртачирчиқ районининг меҳнаткашлари катта кўтаринкилик блан кутиб олдилар. МТС, колхоз, корхона ва муассасаларда янги заёмнинг чиқарилиши муносабати блан кўп киши иштирок қилган митинглар бўлиб ўтди.

Райондаги илғор «Ленин йўли» колхозининг 1-ичи участкаси дала шийпонига тўпланган колхозчилар, механизаторлар радио орқали янги заёмнинг чиқарилиши ҳақидаги ҳукумат қарорини зўр э'тибор блан тингладилар. Шундан кейин колхозчиларнинг митинги бўлди. Митингда колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Э. Усмонов, уста пахтакорьлардан Қаршибойота Дўсанов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар ҳукуматимизнинг ва партиямиз Марказий Комитетининг мамлакатимиз куч-қудратини, шунингдек аҳолининг турмуш даражасини тобора ошириш йўлида олиб бораётган сиёсатини зўр хурсандчилик блан мақуллаб гапирдилар. Шундан кейин колхозчилар янги заёмнинг чиқарилиши халқ хўжалигини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга катта ёрдам беради, биз ҳаммамиз аҳиллик блан янги заёмга ёзилиб, ҳукуматимизнинг бу тадбирини бирдам бўлиб ёқлаётганлигимизни намойиш қиламиз, деб қарор қилдилар.

Колхознинг янги ўзлаштирилган ерлардаги 3-ичи участкасида ҳам шундай митинг бўлиб ўтди. Колхозчилар митинг тамом бўлиши ҳамоно яқдиллик блан заёмга ёзилдилар.

Райондаги МТС лар, саноат корхоналари, муассасалар ва бошқа ташкилотларда ҳам ишчи, хизматчилар янги заёмга яқдиллик блан ёзилмоқдалар.

Т. ОРИПОВ.

Яқдиллик блан

ХОВОС, (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). СССР Министрлар Советининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) давлат заёмини чиқариш тўғрисидаги қарори район меҳнаткашларини ғоят руҳлантириб юборди. Шу муносабат блан Урсатьевский вагон, паровоз-ремонт депосида, райондаги бошқа корхоналарда, МТС, колхоз, совхоз ва муассасаларда кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан меҳнаткашлар ўзларининг ватанпарварлик туйғуларини зўр қониқиш блан изҳор қилдилар.

Жданов номли колхозда бўлиб ўтган митингда бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган 1-ичи бригада бошлиғи Қўшоқ Маҳкамов, комсомол-ёшлар бригадасининг звено бошлиғи Бобо Йўлдошев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар давлат заёмига зўр хурсандчилик блан ёзилажакларини, шу блан бирга ғўза парваришини сифатли ўтказиш ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ғайрат блан ишлаб, мамлакатимиз қудратини янада кучайтиришга ўз ҳиссаларини қўшажакларини айтдилар.

Ховос район меҳнаткашлари янги заёмга яқдиллик блан ёзилмоқдалар.

Б. ҲАЛИЛОВ.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмига ёзилишни ўтказишда касаба союз ташкилотларининг иштироки тўғрисида

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Меҳнат унумининг тобора оширилиши асосида 1953 йил плани муваффақият блан бажарилди. Саноат маҳсулотининг ҳажми урушдан аввалги даражадан иккиярим баравардан ҳам кўпроқ ортди.

Партия ва ҳукумат оғир индустрияни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятларга таяниб, халқ истe'мол қиладиган буюмлар ишлаб чиқаришнинг кескин суратда юксалтирилишини, социалистик қишлоқ хўжалигининг янада ривожлантирилишини, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг ва саноат учун хомаш'ёнинг мўл-кўл бўлишини та'минлашга қаратилган бирқанча муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг моддий фаровонлиги ва маданияти узлуксиз юксалиб бормоқда.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари СССРнинг 1954 йилги Давлат бюржети тўғрисидаги қонунни ватанпарварлик ҳислари блан кутиб олдилар. Бу бюджет Совет давлатининг тинчликсеварлик сиёсатини акс этдиради ҳамда партия ва ҳукумат томонидан қўйилган жуда муҳим вазифани — кенг истe'мол моллари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни яқин 2-3 йил ичида кескин суратда кўпайтиришдан иборат вазифани бажаришга қаратилгандир.

Совет ҳукумати совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида ва Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ҳақида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилиб, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан илгари чиқарилган заёмлар сингара бу заём ҳам социалистик экономиканинг барча тормоқларини янада ривожлантиришга ҳамда ишчилар, колхозчилар, интеллигенциянинг моддий фаровонлигини юксалтиришга, уларнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини максимал даражада қондиришга ёрдам беради.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг Президиуми ҳукуматнинг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмини чиқариш тўғрисидаги қарорини қизғин суратда қувватлайди ва ма'қуллайди ҳамда касаба союзларининг барча а'золарини, саноатдаги, транспортдаги, қишлоқ хўжалигидаги ва қурилишлардаги барча ишчилар, инженерлар, техниклар ва хизматчиларни, фан, адабиёт ва сан'ат ходимларини, ҳамма меҳнаткашларни янги заёмга икки ҳафталиқ ва ярим ойлик иш ҳақи миқдорида яқдиллик блан ёзилишга чақиради.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Комитетининг Президиуми барча касаба союз ташкилотларига СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёмига ёзилишни ўтказишда актив қатнашишларини, янги заёмнинг аҳамияти ва шартлари тўғрисида ишчилар, хизматчилар, интеллигенция ўртасида кенг оммавий-тушунтириш ишлари олиб бориш блан бирга, уларни меҳнат унумини янада юксалтиришга, ишлабчиқариш планларини тўла ва ошириб бажаришга, социалистик қурилиш соҳасида янги муваффақиятларга эришишга сафарбар қилишни таклиф этади.

ВЦСПС Президиуми касаба союзларининг барча а'золари, ҳамма меҳнаткашлар янги Давлат заёмига бирдамлик блан ёзилиб ўз ватанпарварлик бурчларини шараф блан бажарадилар ва бу блан социалистик Ватанимизни янада мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Рассом Б. Мухин ишлаган, давлат тасвирий сан'ат нашриёти чиқарган пла кат. (ТАСС фотохроникаси).

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XI С'ЕЗДИ

8 июньда Катта Кремль саройида СССР касаба союзларининг XI с'езди ўз ишини давом этдирди. Эрталабки мажлисда Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг ва Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар бошланди.

Раислик қилучи ўртоқ Н. М. Шверник Кўмир саноати ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг ранси **И. Я. Россочинский**га сўз беради.

С'езд қатнашчилари, дейди у, Коммунистик партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг касаба союзлари ишларини янада яхшилаш ва такомиллаштириш вазифаларини жуда равшан қилиб белгилаб берган табригини зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар.

Нотиқ партия ва ҳукуматнинг доимий ғамхўрлиги туфайли кўмир шахталаридаги иш шароити кескин равишда ўзгарганлиги тўғрисида гапиради. Кўмир чиқаришнинг юксак даражада механизациялаштирилиши шахтёрларнинг меҳнатини анча енгиллаштирди. Юз мингларча кончилар янги касбларни эгалладилар. Ишчиларнинг уй-жой — маиший шароити йил сайин яхшиланмоқда. Ишлабчиқариш шароитини соғломлаштириш учун кейинги уч йил ичида қариб бир миллиард сўм маблағ сарфланди. Шу давр ичида 200 мингдан кўпроқ квартира қурилди. Ишчи ва хизматчилардан 31 минг киши давлат ёрдами блан ўзлари учун уй қуриб олдилар. Ўтган йили 200 мингга яқин киши санаторийларда ва дам олиш уйларида дам олди. Уларнинг 150 мингдан кўпроқ болалари ўз ёзги каникулларини пионер лагерьларида ўтказмоқдалар.

Ишлабчиқаришни цикл усулида ташкил қилиш асосида кўмир саноатининг ишини қайта қуриш соҳасидаги вазифаларни бажариб, кўпгина шахта коллективлари давлат планини систематик суратда ошириб бажармоқдалар, юқори меҳнат унумига эришдилар ва арзон ва кўмир бермоқдалар. Лекин кўмир саноатининг ишида катта камчиликлар ҳам бор: кўп резервлар фойдаланилмасдан қолаётир, меҳнат унуми суст ошириляпти. Бу камчиликларнинг ҳаммаси учун касаба союз ташкилотлари ва кўмир саноати ишчилари касаба союзининг Марказий Комитети ҳам жавобгардир. Ҳозирги вақтда касаба союз Марказий Комитети ўз асосий э'тиборини касаба союз активи блан алоқаларни мустаҳкамлашга, омма ўртасида ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни кенгайтиришга, меҳнат унумини ошириш учун, давлат маблағларини тежаш учун оммавий социалистик мусобақани кучайтиришга қаратмоқда.

Украина касаба союзлари республика советининг раиси **К. Ф. Москалец** республикада социалистик мусобақанинг оммавий равишда ривожлантирилганлиги тўғрисида гапиради. Донбассдаги кўпгина шахталарнинг ишчилари меҳнатни циклли график асосида ташкил қилиш учун мусобақа қилмоқдалар. Пўлат эритучилар пўлат эритишнинг жадал методларини муваффақият блан қўлланмоқдалар. Машинасозлик саноатининг 10 мингга яқин новатор ишчилари металл қирқишнинг жадал методини ва босим кучидан фойдаланиш усулини қўлланмоқдалар. Россия Федерациясининг механизаторлари блан олиб борилаётган социалистик мусобақада 300 мингга яқин киши қатнашмоқда.

Қишлоқда касаба союз ишларини яхшилашга анча ёрдам берилди. Трактор бригаделарида касаба союз группалари тузилди. МТС ва совхозларнинг 12 минг касаба союз активлари семинарларда тайёрликдан ўтдилар.

Аммо республика касаба союз ташкилотлари, дейди ўртоқ Москалец, кўпгина корхоналарнинг ишини яхшилаш учун барча резервларни тўла равишда ишга солганлари йўқ. Касаба союз ташкилотлари саноатда меҳнат унумини ошириш учун ҳали ҳам бўш қурашмоқдалар, мусобақага раҳбарлик қилишда ва ишлабчиқариш новаторларининг тажрибасини ёйишда мавжуд камчиликларни сустлик блан бартараф қилмоқдалар.

Красний Лиман станцияси депосининг паровоз машинисти **Г. С. Шумилов** новаторларнинг ташаббуслари ва бу ташаббусларни ёйиш тўғрисида сўзлади. Донецк йўлида юк ташишни кўпайтириш ва тезлатиш йўлидаги ҳаракат оммавий тус олди. Бу йўлда ҳар икки поездниг биттаси оғир юкли поездлир. Кўпгина машинистлар юк поездларини ўрталиклардаги станцияларда тўхатмасдан юргизадилар.

Новаторларнинг тажрибасини ёйиш ба'зан жиддий тўсқинликларга учрамоқда. Социалистик мусобақага раҳбарлик қилишда ва меҳнатга баҳо беришда формализм ҳалақит бермоқда. Масалан, 175 километрли рейсни бажарган машинистнинг иши қандай рағбатлантирилса, 50 километрли участкада поездни бошқариб борган машинистнинг иши ҳам худди шундай рағбатлантирилади. Йўллар министрлиги, Темир йўл транспорти ишчилари касаба союзининг Марказий Комитети ва ВЦСПС шу камчиликларни бартараф қилиш учун ҳечқандай иш қилмадилар.

Кейинги уч йил ичида, дейди ўртоқ Шумилов, бизнинг темир йўлимизга ВЦСПС ходимларидан бирон кишининг келганини билмаймиз, аммо бирхил масала юзасидан директивалар кўпдан-кўп келиб туради.

Қора металлургия ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси **П. Д. Ефановга** сўз берилади. У саноатнинг бу муҳим тармоғига қарашли корхоналар коллективларининг меҳнат соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида гапиради. Кейинги йилларда чўян, пўлат, прокат, пўлат трубалар ишлаб чиқариш ва темир руда қазиб чиқариш кўпайди. Меҳнат унуми беш йил ичида 24,9 процент ошди. Энг янги техникани ва мукаммалроқ технологияни жорий қилиш, ишлабчиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаш соҳасида жиддий тадбирлар амалга оширилди.

Ўртоқ Ефанов ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтади. У бирқанча корхоналардаги медицина муассасаларининг иши қониқарсиз қўйилганлиги учун СССР Соғлиқни сақлаш министрлигини ҳамда қора металлургия ходимлари учун уй-жой қурилиши планларининг бажарилишини та'минламаганликлари учун Қурилиш министрлигини ва Қора металлургия министрлигини танқид қилди.

Нотиқ ВЦСПС аппаратини тормоқ касаба союзлари блан бўш алоқада бўлганлиги учун танқид қилади. Кейинги йилларда ВЦСПС секретарьлари ва бўлим мудирларидан ҳечким қора металлургия корхоналарига келгани йўқ. ВЦСПС раҳбарликнинг канцелярия-бюрократик стилини йўқотишда ҳали ҳам сустлик кўрсатмоқда.

Ленинград касаба союзлари область советининг раиси **Н. Н. Пшеницин** минбарга чиқади. Ленинград меҳнаткашлари, дейди у, СССР касаба союзларининг XI с'ездини янги ғалабалар блан кутиб олдилар. Шаҳарнинг барча корхоналари москвалилардан намуна олиб, 1954 йилги планни муддатидан илгари бажариш учун, меҳнат унумини ҳартомонлама ошириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун, мавжуд майдонларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақага қўшилдилар. Шаҳар заводлари ва фабрикаларида илгари ўз ўрнида фойдаланилмасдан келган ўн мингларча квадрат метр ишлабчиқариш майдонлари бўшатиб берилди, бу эса анча кўп маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Нотиқ касаба союзларининг социалистик мусобақага раҳбарлик қилиши ҳақида гапириб, бу ишда кўп формализм борлигини айтади. Касаба союз ташкилотлари иш нормаларини бажармаётган ишчиларга кам э'тибор берадилар, уларнинг новаторлар тажрибасини эгаллашларига, илғорлар даражасига етиб олишларига ёрдам бермайдилар.

Ўртоқ Пшеницин ВЦСПСга нисбатан танқидий мулоҳазаларини айтди. 1953 йил июнь ойида Ленинград касаба союзлари совети ВЦСПС олдига бирқанча масалалар қўйди. Бу масалаларнинг ҳал этилиши корхоналарда, маданият уйларида ва клубларда техника пропагандасининг қўйилишини яхшилашга ёрдам берар эди. Аммо ВЦСПС бунга ҳечқандай э'тибор бермади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Старо-Бешево МТСи трактор бригадасининг бошлиғи **П. Н. Ангелина** сўзга чиқади. Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, дейди у, с'ездга юборган ўз табрикларида касаба союзларини саноатда, транспортда, машина-трактор станцияларида, совхозларда социалистик мусобақани тинмай ривожлантиришга чақирдилар. Шу чақириққа жавобан Совет Украинасининг қишлоқ хўжалик механизаторлари социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарадилар.

Ўртоқ Ангелина Старо-Бешево МТСи ва ўз бригадаси механизаторларининг иш тажрибаси блан ўртоқлашди. Шунингдек у дала шийпонларида умумий ётоқхоналарни, машиналарни сақлаш ва уларга техника назорати кўрсатиш учун бостирмалар қурилишини тезлатиш, хирмонларни ҳартомонлама механизациялаш зарурлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Бу ишда касаба союзлари ёрдам беришлари лозим.

Касаба союзлари Москва шаҳар советининг раиси **В. И. Крестьянинов** ўз сўзида ишлабчиқаришдаги иш шароитини янада яхшилаш масалаларига анча кўп тўхталиб ўтди. Механизациялаш, хавфсизлик техникаси ва ҳархил соғломлаштириш тадбирлари учун йил сайин юз миллион сўмлаб маблағ сарфланмоқда. Шу блан бирга бу иш блан чинакам шуғулланмаётган, шу мақсадлар учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланмаётган фабрика ва заводлар ҳам бор. Нотиқ Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлигини ўзига қарашли корхоналарда меҳнат шароитини яхшилашга тегишинча э'тибор бермаганлиги учун ҳамда ВЦСПС ни касаба союз ташкилотлари блан бўш алоқада бўлганлиги учун танқид қилади. Кейинги йилларда, деб кўрсатади ўртоқ Крестьянинов, мамлакат корхоналарида кенг равишда ёйилиши лозим бўлган кўпгина қимматли ташаббуслар вужудга келди. ВЦСПС касаба союз ташкилотларини илғор тажрибани умумлаштиришга ва жорий қилишга чақиради, аммо ўзи бу иш блан жуда ҳам шуғулланади. Биз кейинги йилларда ВЦСПС нинг ишлабчиқариш новаторларини тўплаганини, фабрика-завод комитетларининг ишлабчиқариш-оммавий иш тажрибасини умумлаштирганини ва ёйганини билмаймиз.

С'езд делегатлари ва меҳмонлари Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси бош секретари **Луи Сайян**нинг сўзга чиқишини гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар. Луи Сайян с'езд делегатларига ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига Жаҳон Касаба Союзлари Федерациясида бирлашган 80 миллиондан кўпроқ меҳнаткашлар номидан қизғин, қардошлик саломи топширади ҳамда с'езднинг самарали ишлашини тилайди.

Луи Сайян капиталистик, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун олиб бораётган фидокорона кураши ҳақида сўзлаб беради. У социалистик экономиканинг кескин суратда юксалишига, ўз турмушининг яхшиланишига эришган совет халқининг муваффақиятлари ҳақида гапиради. Совет касаба союзлари улуғ жаҳон касаба союз ташкилотини меҳнаткашларнинг бирлигини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга илҳомлантирмоқда.

Жаҳон Касаба Союзлари Федерациясининг байроғи залга олиб кирилади. Ҳамма ўрнидан туради. Узоқ давом этган қарсаклар бошланади.

Луи Сайян байроқни с'езд президиумига тақдим этади ва бу байроқ енгилмас халқаро ишчилар бирдамлигининг символидир, дейди ҳамда бутун дун'ё меҳнаткашларининг улуғ Совет Иттифоқи халқларига бўлган қардошлик ҳисларини изҳор қилади.

ВЦСПС ранси **Н. М. Шверник** ўзининг жавоб нутқида самимий табрик учун Жаҳон Касаба Союзлари Федерациясига XI с'езд делегатлари номидан ташаккур билдиради.

— Биз ўз байроқни ишчилар синфининг бирлиги учун кураш символи сифатида қабул қиламиз, — дейди ўртоқ Шверник делегатларнинг ва меҳмонларнинг қизғин қарсаклари остида. — Менпролетар интернационализми байроғига содиқ бўлган совет касаба союзлари ҳамиша халқаро ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш учун, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун, бутун дун'ёда тинчлик учун қурашучиларнинг биринчи сафларида бўлиб келдилар ва бундан кейин ҳам биринчи сафларда бўладилар деб айтсам, с'ездга қатнашучи ҳамма делегатларнинг, барча касаба союз а'золарининг туйғуларини ифода этаман, деб ўйлайман!

Эрталабки мажлисда кенг иste'мол моллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси **П. Н. Коробова**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси **С. В. Егураздов**, Қозоғистон ССР бошланғич ва ўрта мактаб ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг ранси **Б. Бультрикова** ҳам сўзга чиқдилар.

Шу блан с'езднинг эрталабки мажлиси тамом бўлади.

☆ ☆ ☆

8 июнь кечки мажлисда ВЦСПС ва Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом этди.

Горький автозаводининг завод комитети раиси **М. В. Максимов** биринчи бўлиб сўз олди. У ўзи ишлаётган корхона коллективининг мисолида совет кишиларининг маданий савиясида катта ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда завод ишчиларининг 60 проценти 7—10 синф ма'лумотига эга. 3.600 дан кўпроқ киши ҳархил ўқув юртларида ўқимоқда. Кўпгина ишчилар билим савияси жиҳатидан инженер ва техникларга яқинлашиб қолдилар.

Озарбайжон касаба союзлари республика советининг раиси **Т. А. Танрова** минбарга чиқади. Касаба союзларининг ишидаги жиддий камчилик шундан иборатки, — дейди у, — улар илғор тажрибани ўрганиш ва ёйиш ишлари блан кам шуғулланмоқдалар. Ба'зи корхоналар бошқа шаҳарларда бундан илгари ўзлаштирилган буюмларни ўзлаштириш устида узоқ вақт иш олиб бориши каби фактлар ҳам юз бермоқда. Нотиқ бирбирига яқин бўлган саноат тармоқлари ва корхоналар ўртасида Бутуниттифоқ миқ'ёсида кенг тажриба олмошишни ташкил қилишни таклиф этади.

Раислик қилучи Москва пионерлари ва мактаб ўқучиларининг делегацияси с'ездни табриклаш учун келганлигини ма'лум қилади. С'езд қатнашчилари пойтахтнинг ёш гражданларини гулдурос, давомли қарсаклар блан кутиб оладилар.

Катта залнинг гумбазлари остида фанфар садолари, болаларнинг жаранглаган овозлари янграйди. Жаҳонда энг бахтиёр бўлган совет болалари ёш авлодга қилинаётган ҳимматли ғамхўрлик учун совет халқига, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига қизғин ташаккур изҳор қиладилар:

Бизга бериб қўйилган кенг мактаблар учун!

Хушчақчақ дам оладиган лагерьлар учун!

Москва Кремлидаги арча байрами учун!

Юртимиздаги бахтли ҳаёт учун раҳмат!

Болалар қўлларига гулдасталар, техника тўғракларида ишланган хилма-хил модельлар кўтарганлар. Мактаб болалари ўз совғаларини с'езд делегатларига тақдим этадилар.

Болалар Катта Кремль саройида узоқ вақт турадилар. Уларни Георгий залида ва Грановитая палатасида ҳам, Царь-пушка ва Царь-колокол ёнида ҳам учратиш мумкин. Совет болалари четэлдардан келган меҳмонлар блан учрашдилар. Болалар четэлли дўстларга пионер галстуклари тақдим этадилар.

Делегатлар Большая Ивановская мануфактурининг тўқимачиси, касаба союз группа ташкилотчиси **М. П. Каталованинг** нутқини зўр қизиқиш блан тингладилар. У ўз иш тажрибасини сўзлаб беради. Касаба союз группасида социалистик мусобақани уюштиришга, меҳнатнинг илғор методларини ўрганиш ва қўлланишга катта э'тибор берилмоқда.

— Мен бизнинг касаба союз группамиз ўз социалистик мажбуриятларини белгиланган муддатидан илгари бажарди, деб с'ездга рапорт бераоламан, — деди ўртоқ Каталова залдагиларнинг қарсаклари остида. Эндиликда станокларнинг 92 проценти проет қуввати блан ишлармоқда. Биз мамлакатга пландан ташқари 17.864 метр газлама бердик.

Бутунхитой Касаба союзлари федерациясининг ранси ўртоқ **Лай Жо-юй**га сўз берилади.

Делегатлар ва меҳмонлар улуғ хитой халқи вакилининг минбарга чиқишини гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар. Хитой касаба союзларининг топшириғига мувофиқ Лай Жо-юй с'езд делегатларига ва улар орқали бутун совет халқига самимий қардошлик саломинн айтади.

— Хитой ишчилари ва бутун хитой халқи, — дейди Лай Жо-юй, Совет Иттифоқининг қудрати тинчлик, демократия ва социализм лагерининг қудрати эканлигини, у бутун дун'ё ишчилар синфининг манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилаётганини яхши биладилар. Мамлакатнинг раҳбарлик қилучи синфи бўлиб қолган хитой ишчилар синфи ўзи учун, ўзининг бахтли ҳаёти учун меҳнат қилаётганини тўла равишда онглайди. Кейинги йилларда хитой касаба союзлари меҳнат мусобақасини муваффақият блан ташкил қилмоқдалар, бу мусобақада ишчи ва хизматчиларнинг 80 процентидан кўпроғи қатнашмоқда. Мингларча меҳнат а'лочилари етишиб чиқди.

Хитой халқи ўзининг Совет Иттифоқидек самимий дўсти борлигини ўзи учун буюк шараф деб ҳисоблайди. Совет ва хитой халқлари ўртасидаги улуғ дўстлик янги агрессияга қарши ишончли гарантиядир, Узоқ Шарқда ва бутун дун'ёда тинчликнинг қудратли таянчидир. Хитой касаба союзлари совет ва хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ва маҳкам ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб биладилар.

Лай Жо-юй хитой ва совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик белгиси сифатида СССР касаба союзларининг с'ездига катта қизил байроқ тақдим этади.

Раислик қилучи— ВЦСПС секретари **И. В. Горошкин** самимий табрик учун Бутунхитой касаба союзлари федерацияси делегациясига с'езд номидан қизғин ташаккур изҳор қилади.

8 июнь кечки мажлисда «Саратовгаз» трестининг оператори **Е. Г. Голишникова**, Қозоғистон ССР, Кустанай областидаги Владимир МТСи отрядининг бошлиғи **Д. В. Васюточкин**, Волга-Каспий ҳавзасидаги балиқ заводлари медицина-санитария қисмининг бош врачи **П. Н. Боровиков**, Латвия касаба союзлари республика советининг ранси **К. Я. Вольтман** сўзга чиқдилар. (ТАСС).

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

Н. Хрушчев. — **«Тўртинчи чақириқ СССР Олий Совети Биринчи сессиясида сўзланган нутқ».** (1954 йил 26 апрель-20 бет, тиражи 20.000, баҳоси 25 тийин.

Л. Н. ТОЛСТОЙ. — **«Уруш ва тинчлик»** (Роман 1-нчи том) 422 бет, тиражи 45.000, баҳоси 7 сўм 15 тийин.

В. МАЯКОВСКИЙ. — **«Владимир Ильич Ленин»** 76 бет, тиражи 25.000, баҳоси 2 сўм 90 тийин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

«КОЛЛЕКТИВ. — Ҳаёт блан маҳкам боғланган жанговар агитация учун». 22 бет, тиражи 25.000, баҳоси 25 тийин.

Е. М. БЛОК. — Жамиятнинг ҳақиқий а'зоси. — **«Лекцияга қандай тайёрланиш ва уни қандай ўтказиш керак»,** 40 бет, тиражи 41.480, баҳоси 60 тийин.

И. БАБКОВ. — **«Совет Ўзбекистони — СССРнинг асосий пахта базаси».** 34 бет, тиражи 41.480, баҳоси 60 тийин.

Д. М. КОНАКОВ. Иқтисод фанлари кандидати. — **«Социалистик такрор ишлаб чиқариш»,** 48 бет, тиражи 41.480, баҳоси 60 тийин.

С. Г. БОРОДАЙ. — Жамиятнинг ҳақиқий а'зоси. — **«Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш социалистик деҳқончиликнинг асосий вазифаси».** 52 бет, тиражи 41.480, баҳоси 60 тийин.

И. Д. БОЙКО. — Иқтисод фанлари кандидати. — **«Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги».** 48 бет, тиражи 41.480, баҳоси 60 тийин.

А. А. НЕМИРО. — Физика-математика фанлари кандидати. — **«Ер ва планеталарнинг пайдо бўлиши ҳақида совет фани».** 36 бет, тиражи 27.000, баҳоси 60 тийин.

А. В. НАГОРНИЙ. — Украина ССР Фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси, хизмат кўрсатган фан арбоби. — **«Қариш ва узоқ яшаш»** 44 бет, тиражи 27.000, баҳоси 75 тийин.

Г. К. ХРУШЧЕВ — Биология фанлари доктори, профессор. — **«Тирик модда ҳақидаги та'лимотни ривожлантиришда янги далиллар».** — 28 бет, тиражи 30.000, баҳоси 45 тийин.

Молия-иқтисод институтида

Тошкент Молия-иқтисод институти партия ва комсомол ташкилоти ўзбек қизларининг та'лим-тарбия олиши ва фан чўққиларини эгаллаши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Яқинда ўзбек қизлари ўртасида ёзучи Парда Турсуннинг «Ўқитучи» романи юзасидан адабий диспут ўтказилди. Бунда молия-иқтисод факультетининг 1-нчи курс студенти Нафиса Комилова «Романнинг қисқача мазмуни тўғрисида», Кредит-иқтисод факультетининг 2-нчи курс студенти М. Турсунова «Ҳолмурод Дўсматов ва Гулсум образи тўғрисида», Х. Йўлдошева «Романдаги ижобий образларнинг характеристикаси тўғрисида», У. Юсуфжонова «Романнинг тили тўғрисида» доклад қилдилар.

Партия ва комсомол ташкилоти ўзбек қизларининг имтиҳондан муваффақиятли ўтишларини та'минлаш мақсадида рус тили, бухгалтерия ва сиёсий иқтисод фанлари бўйича қўшимча консультациялар уюштирди.

Яқинда студент қизлар учун «Социалистик жамиятда оила ва никоҳ» темасида лекция ўқилди ва улар учун экскурсия ва культпоходлар ташкил этилмоқда.

Х. ЭРГАШЕВ.

Механизаторлар учун клуб

Калинин районидаги машина-трактор станцияси ҳузурида катта клуб қурилиб, зарур жиҳозлар блан чиройлик қилиб безатилди.

Бундан ташқари МТС ходимлари учун ошхона, уй-жой бинолари қурилиб, ободончилик ишлари кенгаймоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Янги Давлат заёмини муваффақият блан тарқатайлик

◇

А. ЗВЕРЕВ

СССР Молия министри.

◇

СССР тараққиётининг бешинчи бешйиллик планини амалга ошириш тадбирларини маблағ блан та'минлаш учун аҳолининг маблағларини жалб қилиш мақсадида Совет ҳукумати томонидан СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёми чиқарилди.

Янги заёмдан келадиган тушумлар СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган 1954 йилги Давлат бюджети даромадларида кўзда тутилган эди. СССР Давлат бюджети Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг социалистик халқ хўжалигини ривожлантиришга ва тинмай юксалтиришга, меҳнаткашлар турмушининг моддий даражасини ва маданий савиясини янада оширишга қаратилган сиёсатини акс этдиради.

Давлат бюджетининг бошқа ҳамма даромадлари каби заёмдан келадиган маблағлар ҳам совет экономикасини ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш учун, мамлакат мудофаасини та'минлаш ва Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш учун фойдаланилади.

Совет Иттифоқида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари тинмай ўсмоқда, бутун социалистик хўжаликни тўхтовсиз ўстиришнинг негизи, мамлакат мудофаасининг мустаҳкам таянчи бўлган оғир саноат тез сур'атлар блан ривожлантирилмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати оғир саноатни ривожлантиришда эришилган муваффақиятларга таяниб, халқ иste'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни тез ривожлантиришнинг, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришнинг кенг программасини амалга оширмоқдалар.

Совет Иттифоқида халқ хўжалиги ривожланганлиги ва мамлакат миллий даромади ўсганлиги натижасида халқ турмушининг моддий даражаси ва маданий савияси систематик равишда ўсиб бормоқда. Бу соҳада Коммунистик партия ва ҳукумат томонидан халқ иste'мол қиладиган молларнинг давлат чакана нархларини камайтириш сиёсати ўтказилаётганлиги жиддий аҳамиятга эгадир.

Халқ иste'мол қиладиган молларнинг чакана нархлари урушдан кейинги даврда етти марта камайтирилганлиги туфайли шу молларнинг 1954 йилдаги нархлари 1947 йилдаги нархларга қараганда 2,3 баравар камайди. Совет Иттифоқида товар оборoти йилдан-йилга кенгаймоқда. Халқ иste'моли ўсиб бормоқда. Бу йил аҳолига 1950 йилдагига қараганда 75 процент кўп мол сотилади. Товар оборотининг 1954 йилдаги ҳажми бешйиллик планда 1955 йил учун мўлжалланган товар оборoти ҳажмидан ошиб кетади.

СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетида оғир ва енгил саноатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни, савдони янада ривожлантириш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш учун, шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб давлат чакана нархларининг камайтирилганлиги учун ва экономикани ривожлантиришга ҳамда халқ эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа тадбирлар учун зарур маблағлар ажратиш кўзда тутилган.

1954 йилда халқ хўжалигини ривожлантиришга, бюджет маблағларини ва хўжалик ташкилотларининг ўз ресурсларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 326,7 миллиард сўм сарфланади, шу жумладан, бюджетдан 216,4 миллиард сўм сарфланади. Халқ хўжалигига давлат томонидан ажратиладиган маблағлар 1953 йилдагига нисбатан 19,8 процент кўпайтирилади. Шу блан бирга, бюджетдан ва хўжалик ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан оғир саноатга 133,2 миллиард сўм, халқ иste'мол қиладиган саноат ва озиқ-овқат молларини ишлаб чиқаришни ҳамда саздо-сотиқни кенгайтиришга 36,6 миллиард сўм, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга 74,4 миллиард сўм сарфланади.

Кўмир, нефть чиқариш, электр қуввати ҳосил қилиш, социалистик экономиканинг ҳамма тармоқлари учун зарур машиналар ва ускуналар ишлаб чиқариш бу йил анча кўпайтирилади.

Халқ иste'мол қиладиган молларни ишлаб чиқариш 1954 йилда бешинчи бешйиллик планда 1955 йил учун мўлжалланган даражага етади, я'ни халқ иste'мол қиладиган молларни ишлаб чиқариш бўйича бешйиллик план муддатидан олдин, тўрт йилда бажарилади.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилаётган маблағ 1953 йилдагига нисбатан 42,4 процент кўпайтирилади. Бу маблағлар КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль ва март Пленумлари қарорларига мувофиқ, машина-трактор станцияларини ва совхозларни янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалисини энг янги техника блан тобора кўпроқ та'минлаш, колхозларга ва совхозларга агрономия ва зоотехника хизмати кўрсатишни яна ҳам яхшилаш соҳасида бу йил учун мўлжалланган тадбирларнинг амалга оширилишини та'минлайди.

Бўз ва қўриқ ерлардан иборат катта майдонларни ўзлаштириш соҳасида партия томонидан қўйилган вазифани бажариш учун ғоят кўп миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш нархлари оширилганлиги ва шу маҳсулотларнинг давлат томонидан сотиб олиниши кўпайтирилганлиги муносабати блан шу тадбирлар учун бюджетда 23,3 миллиард сўм ажратилди, бу эса, колхозлар ва колхозчиларнинг ўзлари бажараётган меҳнат натижаларига иқтисодий манфаатдорликларини оширишга ёрдам беради, уларнинг даромадларини оширадиган жиддий фактор бўлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида партия ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган, бюджетда ўзининг ёрқин ифодасини топган тадбирлар қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тез юксалтиришни та'минлайди, ишчилар синфининг колхозчи деҳқонлар блан бузилмас иттифоқини янада мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Халқ маорифини, соғлиқни сақлашни, социал та'минотни ва страхованиени янада ривожлантиришга бюджетдан катта-катта маблағлар ажратилмоқда.

1954 йилги Бюджет бўйича совет халқининг социал маданий эҳтиёжларини қондириш учун 141,4 миллиард сўм сарфлаш ёки 1953 йилдагига қараганда 9,8 процент ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

Социал-маданий тадбирларга, халқ иste'мол қиладиган молларнинг давлат чакана нархларини камайтиришга, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш нархларининг оширилишига, солиқ тўловларини камайтиришга ва бошқа тадбирларга давлат томонидан қилинадиган харажатларнинг кўпайтирилганлиги натижасида Совет Иттифоқи аҳолиси 1954 йилда Бюджет ҳисобидан 1953 йилдагига қараганда қўшимча равишда қариб 45 миллиард сўм миқдорида манфаат кўради.

Тинчлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик блан ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи мамлакат мудофаасини кучайтириш учун зарур чораларни кўрмоқда. Шу мақсадлар учун бюджетдан тегишли маблағлар ажратилмоқда.

СССР Давлат бюджетида кўзда тутилган харажатлар аввало социалистик хўжаликдан келадиган даромадлар блан та'минланади. Бу даромадларнинг миқдори социалистик ишлабчиқариш тинмай ўсаётганлиги ва такомиллашаётганлиги, меҳнат унуми ошаётганлиги ва маҳсулот таннархи камайтирилаётганлиги сабабли йилдан-йилга кўпаймоқда. СССР Давлат бюджетининг даромадлари 1954 йилда 1950 йилдагига нисбатан 149 миллиярддан зиёдроқ миқдорда кўпаяди ва 1940 йилдаги бюджет даромадларидан уч баравардан зиёдроқ ортади. Социалистик хўжаликдан келадиган тушумлар 1954 йилда 497,3 миллиард сўмни ёки бюджетдаги ҳамма даромадларнинг 86,9 процентини ташкил қилади.

Бюджетнинг муваффақиятли бажарилиши ва Партия ҳамда Ҳукумат томонидан белгиланган тадбирларнинг зарур маблағлар блан та'минланиши меҳнат унумини систематик равишда ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисодий тежаш ўтказиш йўли блан хўжаликнинг ички жамғармаларини тинмай кўпайтиришини талаб қилади. Вазифа— ҳарбир корхонада, хўжаликнинг ҳарбир тормоғида меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини та'минлашдан иборат.

Давлат заёмларини аҳоли орасида тарқатишдан келадиган маблағлар совет бюджети даромадларининг қўшимча манба'ларидан биридир. Меҳнаткашлар томонидан заёмларга ёзилиш йўли блан Совет давлати ихтиёрига берилаётган пул маблағлари социалистик экономикани мустаҳкамлашга ва янада ривожлантиришга, совет кишиларининг моддиятини ва фаровонлигини юксалтиришга сарфланмоқда.

Шу блан бирликда совет давлат заёмлари меҳнаткашларнинг ютуқлар тариқасида оладиган қўшимча даромад манба'ларидан бири бўлиб хизмат қилади. 1951—1953 йилларда давлат заёмлари бўйича аҳолига 21,4 миллиард сўм тўланди.

1954 йилда 23 та ютуқ тиражи, шу жумладан, уч процентли Давлат ички ютуқ заёмининг ютуқ тиражлари ҳамда заём пуллари қайтариладиган 4 тираж ўтказилади. Фақат шу йилнинг ўзида заёмлар бўйича аҳолига 10,5 миллиард сўм тўланади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёми бу йил 16 миллиард сўмлик қилиб чиқарилади. Янги заёмни чиқариш шартлари ўтган йилги шартлардан фарқ қилмайди. Заём бўйича даромадлар ютуқлар тариқасида тўланади. Заём муомалада юрган йигирма йиллик муддат ичида ютуқларнинг умумий миқдори ўрта ҳисоб блан йилига 3 процентни ташкил қилади. Ютуқлар ҳар юз сўмлик облигацияга 10000, 5000, 1000, 500 ва 200 сўмлик қилиб белгиланди (облигациянинг қиймати ҳам шу ютуқ ичига киради). 1955 йилдан бошлаб ҳар йил заём бўйича икки марта ютуқ тиражи ўйналади. Илгариги заём сингари бу заём бўйича ҳам 20 йиллик муддат ичида ҳамма облигацияларнинг 35 процентига ютуқ чиқади. Облигацияларнинг қолган 65 проценти эса уларнинг ўз қиммати тўланиб қайтариб олинади.

Илгари бўлганидек, янги заёмга ёзилиш ҳам корхоналарда, муассасаларда, колхозларда, ўқув юртларида ва бошқа ташкилотларда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ихтиёрий қатнашуви асосида ўтказилади.

Заёмга ёзилиш ишчилар орасида яқин ҳафталик ишҳақи ҳисобидан ўтказилади, хизматчилар ва ҳарбий хизматчилар орасида ярим ойлик ишҳақи ҳисобидан ўтказилади. Шу блан бирга, корхоналар, муассасалар ва молия органларининг шу миқдордан ортиқ ёзилишни қабул қилишлари тақиқланади.

Ишчилар ва хизматчилар, шунингдек ҳунармандчилик артельларининг а'золари заёмга ёзилиб олдиган облигацияларининг пулларини ўзлари ишлаб турган корхонал

Ҳинди-Хитой масаласининг муҳокамасига доир

1954 йил 8 июньда Жанва кенгашида СССР Ташқи ишлар министри В. М. МОЛОТОВНИНГ баёноти

Раис жаноблари, жаноб делегатлар!

Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш Жанва кенгашининг муҳим вазифасидир. Ҳинди-Хитой халқлари Жанва кенгашидан умидвор бўлиб, бу кенгаш Вьетнам, Лаос ва Камбоджо халқларининг тинчлигини, мустақиллигини, озодлигини ва бирлигини та'минлаш ишига ўз ҳиссасини қўшади, деб кўз тутмоқдалар. Ҳинди-Хитой халқларининг миллий-озодлик ҳаракатига бутун дун'ё халқлари хайрихоҳ бўлиб турибди. Ҳинди-Хитой халқларининг миллий мустақиллик ва озодлик учун олиб бораётган курашини бу кенгаш э'тироф қилиши лозим. Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тезроқ тўхатишга ва барқарор, ишончли тинчлик ўрнатишга ёрдам беришдек мас'улиятли вазифа Жанва кенгаши қатнашчиларининг зиммасида турибди.

Броқ, шу нарса блан ҳам ҳисоблашмаслик мумкин эмаски, ушбу кенгаш қатнашчиларининг ҳаммаси ҳам ўз вазифаларини бирхилда тушунмаётганга ўхшайди. Бу нарса ушбу кенгашда рўй бераётган ҳодисалардан, шунингдек Жанва кенгаши теварагида ва шу кенгаш блан айни бир вақтда бўлаётган воқиалардан кўриниб турибди. Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашга Жанва кенгашининг ҳамма қатнашчилари ҳам манфаатдор эмас экан, деган таассурот туғилмоқда. Дарҳақиқат, Жанва кенгашида иштирок қилиб турган ҳолда, ўз вазифасини Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашдан иборат деб билмай, балки Ҳинди-Хитойдаги урушни тўхатиш масаласида бир фикрга келиш мумкин эмаслигини исботлашдан иборат деб билиш ҳам мумкин экан. Лекин битимга келиш мумкин эмаслигини исбот қилишга интилаётганлар Ҳинди-Хитойдаги урушни чўзиб юбориш йўлидан борибгина қолмасдан, шу блан бирга, амалда улар урушни ва унинг ҳамма хатарли оқибатларини янада кенгайтириш йўлидан бормоқдалар.

Ба'зи ҳукуматлар Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш ўрнига, у ердаги урушни янада кенгайтириш ва шу урушга қатнашаётганлар сонини кўпайтириш ниятида эканликларини кўрсатучи фактлар бор. АҚШ давлат департаментига жуда яқин дахли бўлган бу хилдаги планлар блан ҳисоблашмаслигимиз мумкин эмас.

Америка Қўшма Штатлари бошчилигида ба'зи мустамлакачи давлатлар ва уларнинг энг фармонбардор сателлитларининг иштироки блан «Шарқи-Жанубий Осиё» блоки деб аталучи ҳарбий блок тузиш устида давом қилаётган машмашалар сингари фактлар ҳам шундан далолат беради. АҚШ, Англия, Франция, Австралия ва Янги Зеландия иштироки блан Вашингтонда ҳарбий кенгаш ўтказилаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Жанва кенгашида Ҳинди-Хитой масаласининг ҳал этилишига халақит бермоқ учун Таиланд ҳукумати томонидан қилинган ургинишни ҳам шу хилдаги фактлар қаторига қўшмоқ керак. Бу ҳаракатнинг четэл агрессив доиралари кўрсатиши блан қилинганлиги очиқ-ойдин сезилиб турибди. Таиланд ҳукуматининг Ҳинди-Хитой чегарасидаги аҳволни кузатиб турмоқ учун Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида комиссия тузилсин, деб қилган таклифи расмий равишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, ҳақиқатда эса, Америка Қўшма Штатларининг Ҳинди-Хитойнинг ички ишларига аралашмоғи учун керак бўладиган важни олдиндан тайёрлаб қўйиш йўлидаги уринишдир ва бу таклифдан мақсад Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашга доир конкрет масалалар блан шуғулланаётган Жанва кенгашига бўлган ишончга путур етказишдир.

Айрим мамлакатлардаги агрессив доралар Ҳинди-Хитой масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш соҳасида Жанва кенгашида ба'зибир ижобий натижалар ҳосил қилиниши мумкинлигидан ҳавотирга тушмоқдаларки, биз бу блан ҳисоблашмаслигимиз мумкин эмас. Шундай шароитда совет делегацияси Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхатиш ва тинчликни тиклаш соҳасида ушбу кенгаш зиммасидаги бутун мас'улиятни уқтириб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқига келганда, у, Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларининг тўхатилишини урушни янада давом этдириш, эҳтимолки, уни кенгайтириб ҳам юборишни учун қисқа муддатли танаффус, деб ҳисобламайди, балки уруш ҳаракатларини тўхатиш тўғрисидаги масалани барқарор тинчлик ўрнатиш деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам биз Жанва кенгашида ҳарбий масалаларнинг ҳам, сиёсий масалаларнинг ҳам муҳокама қилинишини зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Уруш ҳаракатларини тўхатиш масаласига доир

Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилишга киришилган вақтда буни ҳарбий масалалардан бошлаб, сўнгра Ҳинди-Хитойдаги сиёсий аҳволни ҳал қилиш масалаларини муҳокама қилишга ўтилади, деб бир фикрга келинган эди. Эндиликда ҳарбий масалаларнинг кейинги тўрт ҳафта давомида муҳокама қилинишига ба'зибир якунлар ясаш пайти келди ва сиёсий аҳволни ҳал қилиш масалаларининг муҳокама қилинишини эндиликда орқага сурмаслик керак, чунки кенгашда бўлган муҳокамалар мана шу ҳар икки категориядаги масалаларнинг бир-бири блан чамбарчас боғланганлигини та'кидлади.

Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхатишга доир таклифлар Вьетнам Демократик Республикасининг делегацияси томонидан ҳам, Франция делегацияси томонидан ҳам тақдим этилган эди. Муҳокама вақтида Хитой Халқ Республикасининг делегацияси уруш ҳаракатларини тўхатиш тўғрисидаги битимнинг асосий принциплари ҳақида ўз таклифларини тақдим этди. Шу таклифларнинг муҳокама қилиниши кенгаш қатнашчиларининг нуқтаи назарлари бирқанча масалаларда яқинлашиб келаётганлигини кўрсатди.

Аввало, урушчи томонларнинг ҳамма қуролли кучлари томонидан Ҳинди-Хитойнинг бутун территориясида уруш ҳаракатларини айни бир вақтда тўхатиш зарурлиги масаласи шу масалалар жумласидандир. Гарчи шу муносабат блан кенгашда ба'зи бир писандалар қилинган бўлса ҳам, броқ, ма'лумки, биз бу масалада бир битимга келдик.

Ҳинди-Хитойдаги ҳарбий вазиятнинг мураккаблиги сабабли уруш ҳаракатларининг тўхатилиши ҳар икки томон қўшинларининг туриш жойлари ҳақидаги масалани ҳал қилиб беришни талаб этади. Бу масалани фақат томонлар ўртасида бевосита музокаралар олиб бориш йўли блангина ҳал қилиш мумкин. Кенгашнинг 29 майда қабул қилинган қарорига биноан, ҳар икки томоннинг ҳарбий вакиллари ўртасида алоқа боғланди. Бундай алоқа Жанвада ҳозирданоқ боғланди. Ҳинди-Хитойнинг ўзида ҳам шу сингари алоқа боғлаш зарур деб тонишди. Ҳар икки томоннинг қўшинлари турадиган зоналар ва қўшинларни жойлаштириш масаласини муҳокама қилиш бошланди, бу эса Ҳинди-Хитой масаласини ҳал қилиш ишида муҳим қадамдир.

Дискуссия давомида яна шу нарса ҳам аниқландики, Жанва кенгаши қатнашчиларининг ҳаммаси Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатлари тўхатилиши блан бирга, четдан Ҳинди-Хитойга янги қўшинлар ва қўшинларнинг ҳамма турларига доир ҳарбий ходимлар, шунингдек ҳархил қурол-яроглар ва ўқ-дорилар келтирилишига йўл қўймаслик тадбири кўрилмайдиган бўлса, уруш ҳаракатларини тўхатиш тўғрисидаги битимни ақамиятсиз қоғоз парчасига айлантириб юбориш мумкин. Шундай тадбир кўрилмаган тақдирда, уруш ҳаракатларининг тўхатилишидан куч тўпламоқ ва урушни, эҳтимолки, янада каттароқ миқ'ёсда бошлаб юбормоқ учун қисқача танаффус тариқасида фойдаланилиши мумкин бўлур эди.

Уруш ҳаракатларини тўхатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини контроль қилиб турмоқ учун ҳар икки томон вакилларидан иборат аралаш комиссия тузиш тўғрисидаги таклифга ҳам кенгаш қатнашчилари ҳечқандай э'тироз билдирмадилар. Бундай комиссияларнинг муҳим ақамиятга эга эканлиги лоақал шундан ҳам кўриниб турибдики, мазкур битимнинг бажарилиши учун асосий жавобгарлик бевосита манфаатдор томонларнинг устида бўлиши керак, шу сабабли агар томонлар эришилган битимга риоя қилишга интилмайдиган бўлсалар, у ҳолда имзоланган битимдан керакли натижалар чиқишини бошқа ҳечким та'минлаши мумкин эмас.

Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларини тўхатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилиши устидан халқаро кузатиш белгиланиши зарур, деган масала алоҳида равишда синчиклаб муҳокама қилинди. Мана шундай халқаро кузатишни амалга оширмоқ учун тегишли равишда му'табар халқаро орган тузиш зарурлиги ҳақида делегацияларнинг ҳаммаси бир фикрга келдилар. Ҳали кейинроқ мен бу масалага тўхталиб ўтаман, чунки бу масалада делегацияларнинг позицияларида жиддий тафовутлар бор.

Ма'лумки, Жанва кенгашининг қатнашчилари Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларини тўхатиш тўғрисидаги битимнинг бажарилишини та'минлаш (гарантиялаш) тўғрисида ўз зиммаларига мажбуриятлар олсинлар, деб Франция томонидан қилинган таклифи ҳам совет делегацияси ма'қуллади. Гарчи бу масаланинг ҳамма жиҳатлари етарлик даражада кўриб чиқилмаган бўлсада, лекин бошқа делегациялар ҳам гарантиялар бўлиши зарур, деган фикрни баён қилдилар.

Броқ, делегациялар ўртасида ҳал қилиб олинмаган масалалар ҳам бор.

Хўш, булар қандай масалалар?

Даставвал, битимнинг бажарилиши устидан халқаро кузатиш масаласига тўхталиб ўтиш зарур.

Ма'лумки, Совет Иттифоқи Ҳиндистон, Польша, Чехословакия ва Покистондан иборат бетараф мамлакатларнинг кузатиш комиссиясини тузишни таклиф қилди. Шу мамлакатларнинг иккиси—Ҳиндистон блан Покистон—бир томон блан, я'ни Франция блан дипломатик муносабатлари бўлган мамлакатлардир, қолган икки мамлакат—Польша блан Чехословакия—эса иккинчи томон блан—Вьетнам Демократик Республикаси блан дипломатик муносабатлар боғлаган давлатлардир. Совет делегациясининг фикрича, халқаро комиссиянинг мана шу состави зарур обрўга эга бўлур эди ва шу халқаро органнинг ишида бирёқламалик бўлмаслигини, у ёки бу томонга ғаразгўйлик блан қараш бўлмаслигини та'минлайолган бўлур эди. Польша ва Чехословакия сингари мамлакатлар гўё бу масалада идеологик мулоҳазаларга кўра, бетараф позицияларда турааолмайдилар, деб шу икки мамлакатнинг мазкур комиссияда фактларни йўқотиш ҳақида ҳар иккн томон тарафидан қилинган таклифларни текшириб чиқиши лозим.

Аралаш комиссияларининг вазифаси — уруш ҳаракатларини тўхатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини кузатиш юзасидан жойларда конкрет тадбирларнинг амалга оширилишини та'минлашдан иборат. Бу тадбирлар:

уруш ҳаракатларининг айни бир вақтда ва ҳамма жойда тўхатилишини контроль қилишга доир;

зоналарни белгилаш планининг бажарилишига ва ҳар икки томон қуролли кучларини қайтадан группалаштиришга доир;

битим шартларининг бузилиши блан боғлиқ масалаларни ҳар икки томоннинг ҳарбий вакиллари ўртасида музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал қилишга доир тадбирлардир.

Хўш, шу комиссияларнинг ўз ичида ёки шу комиссиялар ўртасида бирор масала тўғрисида битимга келинмаса, у ҳолда нима бўлади, деган савол туғилади. Бошқача қилиб айтганда, комиссияларда ихтилоф туғилган тақдирда, бу тўғрида қандай органга арз қилмоқ керак? Юқорида айтиб ўтилган таклифга, я'ни Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларининг тўхатилиши тўғрисидаги битимнинг бажарилишига муайян давлатлар кафил бўлишлари лозим, деган таклифга асосланиб иш кўрилган тақдирда, бу саволга жавоб бериш қийин эмас. Демак, лозим бўлиб қолган ҳолларда ана шу кафилликни олган давлатларга арз қилиш керак бўлади. Тегишли шартноманинг бузилганлигини йўқотиш ёки шартноманинг мана шундай бузилиш хавфини йўқотиш учун тегишли чоралар кўриш ўша давлатлар зиммасидаги вазифадир.

Шу нарсани ҳам э'тироф қилиш керакки, Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларини тўхатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини кузатиш қандай характерда бўлиши ва шу кузатишнинг функциялари тўғрисидаги масала яна муҳокама этилишни талаб қилади. Броқ, агар биз ўзимиз асос қилиб оладиган муайян қоидалар тўғрисида ҳаммамиз бир фикрга келсак, у ҳолда шу муҳим масала устидан битимга келмоқ учун ҳеч ким жиддий қийинчилик бўлмайди.

Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш проблемаси муҳокама қилинаётган вақтда уруш ҳаракатларини тўхатиш ва яраш битими тузиш учун тегишли шартлар белгиланганлиги тўғрисидаги қарор Ҳинди-Хитойдаги уч давлатнинг ҳаммасига ҳам таллуқли бўлиши керакми, деган савол туғилди. Бу масалада кенгаш қатнашчиларининг фикрлари ўртасида ихтилоф борлиги ма'лум бўлди. Совет делегацияси, Берлин ахборотида кўзда тутилганидек, бутун Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш вазифаси бизнинг олдимизда турибди, деган фикрга асосланади.

Бунда шу нарсани назардан қочирмаслик керакки, Ҳинди-Хитойдаги уч давлатнинг ҳаммасида — Вьетнамда, Камбоджада ва Лаосда—воқиаларнинг асосий сабаблари бирхил сабаблардир. Ҳинди-Хитойда бошланиб кетган воқиалар шуни кўрсатадики, Вьетнамда, шунингдек Лаосда ва Камбоджада четэл мустамлака ҳукмронлигига қарши миллий-озодлик кураши олиб борилмоқда. Бу курашда муайян қуролли кучларгина иштирок қилиб қолмасдан, шу блан бирга халқларнинг ўзлари ҳам иштирок қилмоқда. Ҳинди-Хитойдаги халқ-озодлик ҳаракатининг шунчалик кенгайиб кетганлигига ва шу қадар кучли эканлигига сабаб фақат шунинг ўзидир.

Ҳинди-Хитойдаги айрим давлатларнинг миллий-озодлик ҳаракатида тафовутлар борлигини ҳам кўрмасдан ўтиш ярамайди, албатта.

Чунончи, Вьетнамда мамлакат территориясининг тўртдан уч қисми Бао Дай ҳукумати расмий ма'мурларининг контроли остида эмас. Ма'лумки, Вьетнамдаги жуда катта территориялар—мамлакатнинг шимолидаги, шунингдек марказидаги ва жанубидаги ерлар Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг органлари томонидан идора қилинмоқда. Лаосга келганда, бу мамлакатда ҳам территориянинг қариб ярмиси расмий ҳукумат органлари контроли остида эмас. Камбоджада расмий ҳукумат ма'мурлари контроли остида бўлмаган территория Ҳинди-Хитойнинг бошқа районларидагига қараганда камроқ бўлсада, лекин бу мамлакатда ҳам миллий-озодлик кураши авж олиб бормоқда. Шу сабабли Лаосда ҳам, шунингдек Камбоджада ҳам миллий-озодлик кураши бораётганлигини инкор этиш ва шу мамлакатларда бўлаётган воқиаларни қандайдир ташқи факторларнинг та'сири блан, масалан, Вьетнам қуролли кучларининг аралашуви блан изоҳлаш нотўғри бўлур эди. Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи бу хилдаги да'воларни аниқ далиллар блан рад қилди.

Лаоснинг, шунингдек Камбоджанинг ҳам бу ерда тўирган вакиллари бу масалада бошқача фикрдадирлар. Лекин шу нарса ҳам ма'лумки, Бао Дай ҳукуматининг бизнинг орамизда ўтирган вакили ҳам Вьетнамда миллий-озодлик ҳаракати борлигини инкор қилишга тайёрдир, ваҳоланки, бундай да'воларнинг асоссизлиги ҳаммага аён. Бу хилдаги гаплар шуни кўрсатадики, бу гаплар ҳақиқий аҳволни ҳам акс этдирмайди, ўз халқлари блан чинакам алоқа борлигини ҳам акс этдирмайди. Бу гапларда ҳаммага кенг равишда ма'лум бўлган фактлар ҳечбир далилсиз рад қилинмоқда, бундай деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор.

Кенгаш қатнашчиларидан ба'зилари, Ҳинди-Хитойдаги давлатларнинг—Вьетнам, Лаос ва Камбоджанинг—мустақиллигини белгилаш вазифаси тўла равишда ҳал қилинган, шу мамлакатларнинг миллий талаблари аллақачонлар қондирилган эмиш, деб бизни ишонтиришга уринди. Камбоджа вакили бу масалада 1949 йилда ва 1953 йилда Франция блан тузилган битимларни рўкач қилди. Бу ерда Лаос вакили 1949 йилда Франция блан тузилган битимни рўкач қилди. Ниҳоят, Бао Дай ҳукуматининг вакили Франция блан яқинда тузилган битимни рўкач қилди, ваҳоланки, бу битим ҳанузгача имзоланганги йўқ, шунинг учун ҳам э'лон қилинган эмас. Мана шу гапларнинг ҳаммасига ишониб бўлмайди, чунки бу баёнотлар Ҳинди-Хитой давлатларининг ҳақиқий мустақиллигини та'минлаган эмас ва та'минламайди. Аҳвол шундай экан, Осиёдаги давлатларнинг деярлик ҳаммаси — шу жумладан Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Бирма ҳам — бу хилдаги баёнотларга нима сабабдан жиддий аҳамият бермаётганликлари тушунарлидир. Осиё мамлакатларининг на Вьетнам блан, на Лаос блан, на Камбоджа блан дипломатия муносабатлари боғлашни истамаётганликларига сабаб ҳам мана шудир. Бундан ташқари, Франция ва АҚШдаги кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари Ҳинди-Хитойга анча аҳамият бераётган кишиларнинг гапларини далил қилиб келтириш мумкин эди. Уларнинг шу гапларида Ҳинди-Хитойдаги уч мамлакатнинг ҳаммасида миллий-озодлик ҳаракати мавжуд эканлиги муайян равишда э'тироф қилинади ва шу блан бирликда, Франция, ниҳоят, Вьетнам, Лаос ва Камбоджанинг мустақиллигини та'минлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилади.

Ҳинди-Хитойдаги уруш саккиз йилдан бери давом қилмоқда. Франция ҳукумати ўз мақсадларига ҳарбий тадбирлар блан эришишга кўп марта уриниб кўрди. Бу уринишлардан натижа чиқмади.

Вьетнам Демократик Республикаси барпо бўлган кундан бери унинг армиясини урушда тор-мор келтиришга ва мустамлака тартибларини қайтадан тиклаш мақсадида Вьетнам Демократик Республикасини бўғишга қаратилган бирталай планлар тузилди. Шу планлар сабабли Ҳинди-Хитой халқлари кўпгина қурбонлар бердилар. Шу блан бирликда, Ҳинди-Хитойдаги уруш француз халқининг ҳам ғоят кўп одамларни қурбон қилишга ва моддий талафот кўришга мажбур этди.

Француз экспедицион корпуси Вьетнам Демократик Республикасига тўсатдан ҳужум қилганлиги натижасида дастлаб бироз муваффақиятлар қозонгандан кейин ҳар йили мағлубиятга учрайбошлади. Американ қурол-яроглар: танклар, самолётлар, ўқ-дорилар, шунингдек бошқа ҳарбий анжомлар ва материаллар айниқса кейинги йилларда тобора кўпроқ миқдорда тинмай юборилиб турганига қарамай, экспедицион корпус мана шундай мағлубиятларга учрамоқда. Француз экспедицион корпусининг Ҳинди-Хитойда кўрган талафотлари тўғрисида бу ерда ба'зи ма'лумотларни келтириб ўтиш ўринли бўлади. Бу ма'лумотлар, Франция Миллат мажлисида депутатларнинг нутқларида айтиб ўтилганлиги сабабли, кўпчиликка ма'лумдир. Шу талафотлар ўлдирилган ва ярадор бўлганларни қўшиб ҳисоблаганда 100 минг кишидан анча кўпроқдир. Шу блан бирга, бу талафотлар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳинди-Хитойдаги уруш Францияга 2000 миллиард франкдан кўпроққа тушди. Америкада чиқадиган «Ридерс дайжест» журналида 1954 йил май ойида э'лон қилинган ма'лумотларга қараганда, «Сакиз йиллик урушга Франциянинг сарф қилган маблағи унинг Америка Қўшма Штатларидан иқтисодий ва ҳарбий ёрдам тариқасида олган маблағига тенг келиб қолади, дейиш мумкин».

Генерал Наваррнинг плани яқиндагина кўкка кўтариб мақталмоқда эди. АҚШ давлат секретари ўтган йил шу план тўғрисида гапириб, «Ҳинди-Хитойдаги уруш келгуси йилда», я'ни 1954 йилда, «муваффақият блан тамомланади» деб айтган эди. Давлат департаменти вакили томонидан шу йил февраль ойида берилган бошқа бир баёнотда «биз генерал Наварр планини ма'қуллагамиз ва у муваффақият келтиришига ишонамиз» дейилган эди. Бу хилдаги планларнинг муваффақиятли бўлиши тўғрисидаги умидлардан орадан сал ўтмай воз кечишга тўғри келди. Бу фактни сабоқ бўларли факт демасдан ўтиб бўлмайди.

2. Ҳинди-Хитойнинг сиёсий проблемалари тўғрисида

Менга Ҳинди-Хитойдаги уруш воқиаларига, шунингдек шу воқиаларнинг оқибатларига тўхталиб ўтишга тўғри келди. Броқ, шуни айтиш керакки, Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш фақат ҳарбий масалаларгагина таллуқли иш эмас.

Мутлақо равшандирки, Ҳинди-Хитойда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш вазифаси сиёсий масалаларни ҳал этишни талаб қилади. Буни совет делегацияси Вьетнам Демократик Республикаси томонидан кенгаш муҳокамасига тақдим этилган таклифларни қувватлаб гапирганида неча қайталаб кўрсатиб ўтди.

Бунда икки асосий проблема айниқса муҳим ақамиятга эга. Биринчи проблема Франция блан Ҳинди-Хитой давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга таллуқли проблемадир. Иккинчи проблема—Ҳинди-Хитой давлатларининг ички сиёсий аҳволига таллуқли проблемадир.

Совет делегациясининг фикрича, Франция блан ўзаро муносабатлар масаласи тўғрисида Вьетнам Демократик Республикасининг бу ерда баён қилиб ўтган позицияси бу проблемани манфаатдор томонлар ўртасида дўстона ҳал қилиш учун зарур негизлар вужудга келтиради, аммо бунинг учун Франциянинг ҳам проблемани шу хилда ҳал қилишга интилиши шарт.

Франция Вьетнамнинг ва Ҳинди-Хитойдаги бошқа давлатларнинг мустақиллигини э'тироф қилиб, уларнинг суверенитетини ва миллий манфаатларини тегишли равишда та'минлашга тайёр эканлигини билдиради, деган гапларни бу ерда эштидик. Иккинчи томондан, биз шуни ҳам биламизки, Вьетнам Демократик Республикасининг, ихтиёрийлик принципига мувофиқ, Франция Иттифоқига кириши масаласини кўриб чиқишга тайёр эканлигини билдирди. Модомики, ҳар икки томон ўзаро муносабатлар масаласини миллий эркинлик ва мустақиллик принципларини э'тироф қилиш асосида ҳал этиш мумкин деб айтаётган эканлар, демак, бу масаланинг ҳал этилиши бартараф қилиб бўлмайдиган тўсқинликларга учрамаслиги керак эди.

Камбоджа королининг ва Лаос королининг бу ердаги расмий вакиллари, шу давлатларнинг мустақиллиги масаласи ҳаттоки 1949 йилдаёқ узил-кесил ҳал қилинган эди, деган гапларни айтдилар. Бао Дай ҳукуматининг вакили ҳам ҳечким имзоламаган ва ўзининг чўнтагидан нарига чиқмаган текстни рўкач қилди ва ўқиб берди. Бу баёнотларга ишониш мумкин эмаслиги тўғрисида гапириб ўтилган эди. Бу баёнотларга ҳечқаерда ҳечким ишонмайди, деб айтиш мумкин.

АҚШ вакиллар палатасининг махсус миссияси Покистонга, Ҳиндистонга, Таиландга ва Ҳинди-Хитойга бориб келганлиги тўғрисида 1953 йил 12 майда қилган докладида, масалан, Ҳинди-Хитойдаги аҳвол масаласи тўғрисида бундай деилган:

«Франциянинг мустақиллик бермоқчи эканлиги тўғрисидаги баёнотларига қарамай, ҳинди-хитойлиларнинг кўпи, халқ ўртасидаги ғалаёнларга ва халқнинг ўз ҳукуматини янада кўпроқ қўллаб-қувватлашга қодир эмаслигига сабаб шуки, ҳозирги вазиятда халқ ўз раҳбарларига ҳам, Франциянинг чинакам мустақиллик беришга тайёр бўлганлигига ҳам етарлик равишда ишонмаётир, деб айтмоқдалар...».

Бу гап ўтган йилнинг баҳорида айтилган эди.

АҚШ вакиллар палатаси махсус Миссиясининг 1954 йил 29 январьдаги бошқа бир докладида Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига қилинган сафарнинг натижалари тўғрисида гапирилиб, Ҳинди-Хитой давлатларида «сиёсий мустақиллик» нинг йўқлиги яна бир марта кўрсатиб ўтилган эди.

Америка миссияларининг ўтган йилги ва шунингдек бу йилги мана шу баёнотлари диққатга сазовордир, чунки бу баёнотлар гарчи Ҳинди-Хитойдаги халқ-озодлик ҳаракатига ҳақиқатда душманлик руҳи блан суғорилган бўлсада, лекин улар бор фактларни қайд қилади.

Аммо Ҳинди-Хитойдаги аҳволга таллуқли оддий ва ҳаммага ма'лум фактлар анчагина муҳимроқ ақамиятга эгадир.

Диен-Биен-Фу французларнинг кучлари ва вьетнамлиларнинг кучлари блан мудофаа қилинмасдан, балки, асосан, у ерга тўплаб келтирилган ҳархил ажнабийларнинг кучлари блан мудофаа қилинганлигини ким инкор қилаолади. Диен-Биен-Фу гарнизони қўшинларининг катта кўпчилиги на Францияга, на Вьетнамга ҳечқандай дахли бўлмаган кишилар эди. Гарчи Вьетнам халқи ўз манфаатларини ҳимоя қилишни улардан илтимос қилган бўлмаса ҳам, лекин, қизиғи шундаки, шу ажнабийлар Вьетнам манфаатларини ҳимоя қилувчилар бўлиб чиқибди.

Вьетнам Демократик Республикаси қўшинларида бутунлай бошқача аҳволни кўрамиз. Унинг қўшинларида вьетнамлилардан бошқа ҳечким бўлмади. Бу қўшинларда ажнабийлар бор, деган овозаларни тарқатиш йўлидаги ҳамма уринишларнинг қалбаки бир нарса эканлиги ҳаммага очиқ-ойдин ма'лум бўлди. Вьетнам халқи кимнинг томонида турганлигини мана шунинг ўзи ҳам кўрсатмайдими, ахир? Миллий-озодлик ҳаракатининг аҳамиятини камайтириш йўлидаги уринишлар мана шу хилдаги фактларга дуч келиб бекор бўлиб қолмоқда.

Кейинги вақтга доир бошқа бир мисолни олиб қаранг.

Яқиндагина, май ойида, Бао Дай ҳукумати ўз қўшинларини кўпайтирмоқ учун вьетнамлиларни сафарбар қилди. Бу сафарбарликнинг натижаси нима блан тамом бўлганлиги сизларга ма'лум. Армияга чақирилганларнинг фақат 10 процента сафарбарлик пунктларига келди. 90 процента эса Бао Дай ҳукумати армиясига боришни истамади. Англияда чиқадиган «Обсервер» газетасида бундан икки кунгина муқаддам э'лон қилинган бир хабарни ҳам эслатиб ўтсак арзийди. Шу хабарда айтилишича кўра, Бао Дайнинг Вьетнам армияси «ҳозирги вақтда дизертирлик ва пассив қаршилик натижасида янги чақириқ блан олаётган одамларга қараганда кўпроқ одам йўқотмоқда». Ҳозирги кундаги мана шу фактларнинг ўзи Вьетнам халқи ҳозирги Бао Дай ма'мурларига тарафдор эмаслигини, вьетнам халқи бутунлай бошқа йўлдан бориб, ўз демократик республикасини тобора кўпроқ ва активроқ бўлиб қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатмайдими, ахир.

Мана шундай шароитда Ҳинди-Хитойдаги мустамлака урушини давом этдириш нимани кўрсатади? Ҳинди-Хитойдаги мустамлака урушининг давом этдирилиши Франция блан Ҳинди-Хитой халқлари ўртасидаги зиддиятларнинг яна ҳам чуқурлашиб бораётганидан бошқа нарсани кўрсатиши мумкин эмас. Броқ, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг баёнотлари ҳам, шунингдек Франция ҳукуматининг баёнотлари ҳам Франция блан Вьетнам ўртасидаги, шунингдек Франция блан Ҳинди-Хитойдаги бошқа давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қал қилмоқ учун умумий тил топиш имконияти борлигидан далолат беради. Агар Франция ҳукумати Ҳинди-Хитой давлатларининг мустақиллигини та'минлашга ҳақиқатан интилаётган бўлса, ҳозирги шароитда Ҳинди-Хитойдаги урушни давом этдириш учун ҳечқандай асос йўқ, чунки мана шу ўзаро муносабатларни дўстона ҳал қилиш учун муҳим негизлар вужудга келди. Мазкур ўзаро муносабатларни ҳар икки томон учун фахрли шартлар асосида ҳал қилиш энди мумкин бўладиган иш бўлиб қолди. Ҳарҳолда, Ҳинди-Хитойдаги урушни давом этдириши Франциянинг миллий манфаатлари талаб қилдайтир, деб ҳечким исбот қилолмайди. Вьетнам халқининг ҳақиқий вакиллари блан бу масала устида музокаралар олиб боришдан бош тортиш ёки буйин товлаш, бизнинг қат'ий фикримизча, Франциянинг миллий манфаатларига бутунлай зид бир нарсадир.

Вьетнамдаги ва Ҳинди-Хитойнинг бошқа давлатларидаги ички сиёсий аҳволни ҳал қилиш ҳам муҳим ақамиятга эга.

Биз бу ерда Бао Дай вакилининг Вьетнамдаги ички сиёсий аҳволни ҳал қилиш масаласи тўғрисидаги да'воларини эштидик. Ма'лум бўлишича, Бао Дай ҳукумати ҳам Вьетнам территориясида эркин сайловлар ўтказиш тўғрисида гапираётганга ўхшайди. Лекин Бао Дай ҳукуматининг таклифларига қараганда, бундай сайловларни ҳозирги Бао Дай ҳокимиятининг қўллаб-қувватланишини та'минлайдиган сайловларнигина ва фақат бунинг учун қулай келадиган вақтдагина ўтказиш керак эди, ваҳоланки, бу ҳукуматнинг бутунлай обрўсизлиги ҳаммага ма'лум фактдир. Ҳақиқатда эса, бундай ҳукуматга умумий сайлов керак эмас. Сайлов ўтказиш унинг учун хатарли ишдир. Бундай ҳукумат халққа таянмайди, балки ажнабийларнинг найзаларига таяниб иш кўради.

Шу муносабат блан бир нарсани, я'ни Э. Даладье сингари му'табар Француз арбобининг Франция Миллат мажлисида Бао Дай ҳукумати тўғрисида 1954 йил 5 мартда айтган гапларини эслатиб ўтиш чакки бўлмайди.

«Бу ҳукуматга халқ ишонмайди. Буни шу факт ҳам исбот қиладики, бу ҳукумат 250 мингдан тортиб 300 минггача аҳоли яшайдиган, масалан, Гуэ сингари районда муниципал ва вилоят сайловларини масхара қиладиган сайловларнигина ўтказолди. Фақат 7—8 минг кишига овоз бериш ҳуқуқи берилди, аммо шу кишилар ҳам Бао Дай ҳазрати олийларининг кандидатлари учун овоз бермадилар».

Шу муносабат блан Англияда чиқадиган «Спектейтор» журналида яқинда ёзилган қуйидаги гапларни ҳам эслатиб ўтаман. Ўша журнал: «Ҳозирги даврда Вьетнамда эркин сайловлар ўтказиш, ҳеч шубҳасиз, Хо Ши Миннинг Бао Дай устидан ғалаба қозонишига олиб келади», деб ёзди.

«Франс-Обсерватэр» журналининг 3 июньда баён қилган фикрлари юқорида айтилган гапларни тузуккина изоҳлаб беради. Шу журнал Вьетнамдаги ҳозирги аҳволга қуйидагича баҳо беради:

«Бао Дай ички сиёсат соҳасида ўзи берган ва'даларнинг устидан чиқмаганлиги, чунончи коррупцияга хотима бериш, ер ислоҳоти ўтказиш, меҳнат кодексини амалга ошириш ва шу сингарилар ҳақида берган ва'даларининг устидан чиқмаганлиги сабабли унга нисбатан душманлик айниқса кучайиб кетди. Ишчиларнинг турмуш даражаси 1939 йилдагига нисбатан 60 процент пасайди. Матбуот учун жорий қилинган цензура ҳарқачонгидан ҳам кўра даҳшатлироқдир».

Бу хилдаги ма'лумотларни бундан бирнеча баравар кўпайтириш мумкин. Шу келтирилган ма'лумотларнинг ўзи ҳам Вьетнамнинг француз қўшинлари томонидан оккупация қилинган территориясидаги ички сиёсий аҳвол тахликали бўлиб қолганлигини кўрсатади, чунки у ердаги ҳозирги ҳукумат халқ блан боғланган эмас ва халқнинг манфаатларини заррача бўлсада ифодаламайди. Вьетнам Демократик Республикаси эркин сайловлар ўтказишни таклиф қилмоқда. Бундай эркин сайлов ўтказилиши Вьетнамдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни ҳақиқатан яхшилаш учун айниқса муҳимдир. АҚШ давлат секретари томонидан Вьетнамнинг балоғатга етмаганлиги тўғрисида яқинда айтилган гаплар ва Ҳинди-Хитойда эркин сайловлар ўтказишга АҚШ давлат секретарининг хайрихоҳлик блан қарамаётганлиги Вьетнамдаги ва Ҳинди-Хитойнинг бошқа давлатлардаги сиёсий аҳволни ҳал қилиш учун интилиш борлигини кўрсатмайди. Броқ, Жанва кенгаши умумий эркин сайловлар асосида бутун Вьетнам учун ягона демократик ҳукумат барпо қилишни та'минламоқ учун яқин фурсатда эркин сайловлар ўтказилсин, деб Вьетнам халқи томонидан қилинаётган талабга жавоб бериш ўйин товламаслиги керак. Жанва кенгаши бу масала тўғрисида индамасдан ўтиши мумкин эмас. Лекин, дастлаб, Франция ҳукумати шундай қ

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 8 июнь. (**ТАСС махсус мухбири**). Бугун, бирқанча ёпиқ мажлислардан кейин, Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилишда қатнашаётган тўққиз делегация ялпи мажлисга тўпланди. А. Иден раислик қилди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан Франция ташқи ишлар министри Ж. Бидо Ҳинди-Хитой масаласи юзасидан бир ой давом этган дискуссияни якунлаш ниятида эканлигини айтди. Шундай пайт келдики, — деди у, — бу дискуссия бизни қаерга олиб келганлигини кўздан кечириш, келишилган моддаларни аниқлаш, ҳал этилмаган проблемаларни эслатиб ўтиш ва улардан энг муҳимларини ажратиш керак. Броқ, Бидонинг ана шундан кейин айтган сўзлари дискуссия натижаларига об'ектив баҳо беришни тўла равишда ўз ичига олмади.

Масалан, Бидо Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилишда кимлар иштирок қилиши кераклиги ҳақидаги масаланинг муҳокама қилиниши тўғрисида гапириб, бирқанча делегацияларнинг, шу жумладан Франция делегациясининг ҳам, Кхмер ва Патет-Лао демократик ҳукуматларининг вакилларини кенгашда қатнашишга жалб қилишга халақит берганликлари, шу блан кенгашнинг Ҳинди-Хитойдаги бу икки давлат халқларининг овозини эшитишига имконият бермаганликлари каби факт тўғрисида мутлақо индамай ўтди. Бидо бундан буён ҳам Кхмер ва Патет-Лао халқларининг манфаатлари блан ҳисоблашиш ниятида эмаслигини намойиш қилиб, бу икки халқнинг француз мустамлакачиларига қарши миллий-озодлик кураши олиб бораётганлигини иккор қилишдан иборат асоссиз позициясини ёқлади. Броқ у уруш ҳаракатларини бутун Ҳинди-Хитойда тўхтатиш тўғрисидаги масаланинг айни бир вақтда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлигини э'тироф қилди. Бидо, эндиликда кенгашнинг ҳамма қатнашчилари Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини ялпи ва бир вақтда тўхтатиш принципини қувватламоқдалар деди, лекин Франция делегациясининг анча узоқ вақт даврида уруш харакатларини бутун Ҳинди-Хитой территориясида бир вақтда тўхтатиш принципига қарши э'тироз билдириб келганлиги ҳақида индамай ўтди. Урушучи қар иккала томоннинг ҳарбий вакиллари ўртасида алоқа ўрнатилиши ҳам кенгашнинг муваффақиятидирки, Бидо буни э'тироф қилди. Бидо, бу ҳарбий музокаралар муваффақиятли олиб борилади ва уруш ҳаракатларини тўхтатгандан кейин қўшинларни қандай жойлаштириш кераклиги ҳақидаги масалани ҳал этишга олиб келади, деб умид билдирди. Броқ Бидо француз томони Ҳинди-Хитойда иккала томон қўмондонликларининг вакиллари ўртасида алоқа ўрнатиш юзасидан ҳечқандай чора кўрмаганлиги, шу блан кенгашнинг бу масала юзасидан 29 майда чиқарган қарорини бажармаганлиги тўғрисида ҳечнарса айтмади.

Бидо қандайдир ғайримунтазам ҳарбий қисмларни қуролсизлантириш ҳақидаги асоссиз таклифни аввалгича илгари сурди.

Бидо уруш ҳаракатлари тўхтатилгандан кейин Вьетнамга четэл қўшинлари ва четэл қуроллари келтиришни тақиқлаш ҳақидаги масалага тўхталиб, бунинг учун Вьетнамнинг қуриқлиқдаги ва денгизидаги ҳамма чегараларида қаттиқ контроль ўрнатилиши зарур эканлигига тан берди. Броқ у Кхмерда ва Патет-Лаода шундай контроль ўрнатиш ҳақида бир сўз ҳам айтмади. Шу блан бирга Бидо Вьетнам ичидаги ҳарбий ишлабчиқариш устидан контроль ўрнатиш масаласини ўртага қўйди, шу блан аслда Вьетнам Демократик Республикасининг экономикаси устидан четэл контролини ўрнатишга ва бир масалани иккинчиси блан олмаштиришга уринди.

Бидо, халқаро комиссия Ҳинди-Хитойга уруш ҳаракатларини тўхтатиш шартларининг бажарилиши устидан назорат қилиб туриш соҳасидаги ҳамма асосий функцияларни ўз зиммасига олиши лозим, иккала томон вакилларидан иборат аралаш комиссиялар эса халқаро комиссияга буйсунган восита бўлиши керак, деб яна талаб қилди.

Бидо Хитой Халқ Республикаси делегациясининг, халқаро бетараф комиссия, шунингдек аралаш комиссиялар ўзаро ихтилоф юз берган тақдирда Жанва кенгашида қатнашган давлатларга мурожаат қилишлари лозим, деган таклифига қўшилганлигини айтди, чунки Франциянинг таклифига биноан, бу давлатлар Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг гарантлари бўлишлари лозим. Шу блан бирга Бидо, гарант мамлакатлар масалаларни ҳал қилган вақтда ядриллик принципига амал қилмасликлари керак деди.

Бидо ўз сўзининг охирида, Франция делегациясининг фикрича, кенгаш тинчлик йўлида ҳозирдаёқ ба'зи натижаларга эришди, деди. Броқ, деди у, уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги битимнинг Хитой Халқ Республикаси делегацияси тақдим этган таклифларда баён қилинган принципларини кенгашда бир овоздан қабул қилинган деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу масалаларда ҳали жиддий ихтилофлар бор. Бидо, Франция делегацияси бу ихтилофларни тугатишга интилаётир деб да'во қилди.

Шу нарса ўзига э'тиборни жалб қилмоқдаки, Бидо юқорида айтилган масалалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилганида, ҳечқандай асос бўлмагани ҳолда, бу масалаларда кенгаш қатнашчиларининг нуқтаи назарлари бир-бирига тўғри келганлиги Франция делегациясининг ташаббуси натижасидир деб кўрсатишга уринди. Жанва доираларида та'кидлаб ўтилишича, Франция делегациясининг бундай уринишларига сабаб шуки, худди бугун Франция миллат мажлисида Ҳинди-Хитой масаласи, демак, Франция делегациясининг Жанва кенгашидаги позицияси ва фаолияти масаласи муҳокама қилинабошлайди.

Сўнгра Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи Фам Ван Донг сўз олди. У айтдики, кенгаш ишининг ҳозирги даврида қилинган ишларни якунлаш, эришилган нарсаларни назарга олиш фойдасиз бўлмас эди ва уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақида битим тузиш йўлидан олга қараб ҳаракат қилиш перспективаларини белгилаш фойдасиз бўлмас эди. Уруш ҳаракатларини тўхтатиш Ҳинди-Хитойда давомли ва барқарор тинчлик ўрнатишда биринчи этап бўлур эди.

Фам Ван Донг кенгашга тақдим этилган турли таклифларни таққослаб кўриб айтдики, Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг таклифлари ҳарбий проблемаларни ҳам, сиёсий проблемаларни ҳам ҳал этиш йўли блан қарши миллий-озодлик кураши олиб бораётганлигини иккор қилишдан иборат асоссиз позициясини ёқлади. Броқ у уруш ҳаракатларини бутун Ҳинди-Хитойда тўхтатиш тўғрисидаги масаланинг сиёсий аспектини атайин э'тибордан четда қолдиради. Ба'зи делегациялар конференциянинг Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги масалани бутунича муҳокама қилишини истамайдилар ва Вьетнам тўғрисидаги масалани Кхмер ҳамда Патет-Лао ҳақидаги масалалардан ажратишни талаб қиладилар. Фам Ван Донг айтдики, бу хил таклифлар мазкур делегацияларнинг асл муддаолари нимадан иборат эканлигини яққол кўрсатиб беради. У Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашга қарши чиқаётган кишиларнинг кейинги вақтда ишлатган найрангларини фош қилди ва Ҳинди-Хитойда, Францияда, Шарқи-Жанубий Осиёда ва Жанвада ҳаракат қилаётган тинчлик кучларининг ба'зи якунларини тўплади ва қайси масалалар юзасидан кенгаш қатнашчиларининг нуқтаи назари бир-бирига яқинлашганлигини кўрсатди. Сўнгра совет делегацияси бошлиғи делегациялар ўртасида ихтилоф бўлган масалаларни кўрсатиб ўтди, бу масалалар юзасидан айтилган фикрларни анализ қилди ва уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатди.

СССР делегацияси бошлиғи Ҳинди-Хитойдаги ҳамма уч давлатга нисбатан ҳал этилиши лозим бўлган асосий сиёсий масалаларни эслатиб ўтди ва сиёсий масалаларни ҳал этиш учун томонлар ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга бўлажагини кўрсатиб ўтди. В. М. Молотов таклифлар тақдим этди. Бу таклифларда биринчи навбатда қайси сиёсий масалаларни кўриб чиқиш кераклиги, шунингдек бу масалаларни муҳокама қилиш тартиби кўрсатилади. (В. М. Молотовнинг баёноти газетанинг бугунги сонида э'лон қилинди).

Англия делегацияси бошлиғи А. Иден айтдики, кенгаш Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилган вақтда ба'зи муваффақиятларга эришди, лекин айрим проблемалар юзасидан ҳали анча катта ихтилофлар бор; агар кенгаш бу проблемаларни ҳал этмаса, у ўз вазифасини бажармаган бўлади.

Иден қайд қилиб ўтдики, Вьетнамдаги ҳар иккала қўмондонлик вакиллари бу мамлакатда уруш ҳаракатларини тўхтатиш шартларини муҳокама қиладилар деб 29 майда келишилганлиги муҳим қадам бўлди. Иден, бу музокаралар Жанвада бошланди деди ва кўп ўтмай бу музокаралар тегишли натижаларга олиб келса керак, кейин бу натижалар рекомендация сифатида кенгашга тақдим этилар, деб ишонч билдирди. Броқ, деди Иден, кенгаш ҳали Лаос ва Камбоджа проблемаси блан шуғулланиши керак, чунки уруш ҳаракатларини айни бир вақтда бутун Ҳинди-Хитойда тўхтатиш кўзда тутилади. Шу блан бирга Иден, Лаос ва Камбоджада уруш Вьетнам Демократик Республикаси қўшинларининг бостириб кириши натижасида бошланди, деган ва ҳақиқий фактларга хилоф бўлган да'вони такрорлади, ҳолбуки ҳақиқатда худди Вьетнамдагидек Лаос ва Камбоджада ҳам, четэл мустамлака ҳукмронлигига қарши миллий-озодлик кураши давом этмоқда.

Иден уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги битимнинг бажарилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш ҳақидаги масалага тўхталиб, бу муҳим проблема Ҳинди-Хитойдаги ҳамма уч давлат учун ҳам умумийдир, деди. У, урушучи томонларнинг вакилларидан иборат аралаш комиссиялар тузилишига рози бўлди, лекин бу комиссияларга нуқул техник функцияларни юклаб қўйди ва бу комиссиялар халқаро назорат комиссиясига буйсундирилиши керак деди.

Иден, халқаро назорат комиссияси составига яқинда Коломбода бўлиб ўтган конференцияда бош министрлари қатнашган мамлакатлар, я'ни Ҳиндистон, Покистон, Бирма, Индонезия ва Цейлон киритилсин деб таклиф қилди. Иден комиссиянинг шундай составда бўлиши бефараз равишда кузатиб туришни та'минлайди деб да'во қилди ва бу беш давлат Вьетнам Демократик Республикаси блан ҳам, қўшилган давлатлар (я'ни Лаос, Камбоджа ва баодайчилар Вьетнами) блан дипломатик муносабатлар ўрнатмаганлиги каби фактни далил қилиб келтирди. Иден комиссия составида бир қисми урушучи бир томон блан, иккинчи қисми урушучи иккинчи томон блан дипломатик муносабатда бўлган давлатларнинг бўлмаганлиги комиссиянинг ўз функцияларини бажаришига тўсқинлик қилиши ва бундай комиссия тузилганида унинг бирёқлама характерига эга бўлиши каби фактга тўхталмади.

Иден ўз сўзининг охирида бундай деди: Менинг фикримча, халқаро комиссиянинг состави тўғрисидаги масалани ҳал этгандан кейин унинг функцилари ва структураси ҳақидаги масалани, шунингдек гарантиялар ҳақидаги масалани муҳокама қилиш мумкин бўлади.

Сўнгра иккинчи марта сўз олган Бидо Франция делегациясининг сиёсий масалаларни дарҳол муҳокама қилиш блан шуғулланишни истамаётганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Ма'лумки, Франция делегацияси ўзининг таклифлар лойиҳасига биронта ҳам сиёсий масалани киритмаган.

АҚШ вакили Смит Ҳинди-Хитой проблемасига доир сиёсий масалаларни дарҳол муҳокама қилиш ҳақидаги таклифга қарши гапирди. Смит Лаос ва Камбоджа ҳақидаги масалада Франциянинг позициясини қувватлади. Бунинг шундай бўлишини кутиш мумкин эди. Смит халқаро назорат комиссиясининг состави ҳақида Иденнинг таклифига қўшилди ва бу таклифни диққат блан ўрганиб чиқиш керак, деди.

Раислик қилучи Иден яна икки нотиқ ёзилганлигини айтди ва вақт кеч бўлганлиги сабабли уларнинг нутқини эртага бўладиган ялпи мажлисга кўчиришни таклиф қилди. Бунга қарши э'тироз билдирилмади. Шу блан мажлис ёпилди.

ЮГОСЛАВИЯДА ТОШҚИН

БЕЛГРАД, 8 июнь. (ТАСС). Танюг агентлигининг хабар беришича, Словения ва Хорватиянинг ба'зи районларида тошқин натижасида кўрилган зарар тахминан 15 миллиард динар ҳисобланади. Тошқин натижасида Словон Бродида ва Цельеда бирнеча корхона ўз ишини тўхтатган. Шу блан бирга Словон Броди районида 9,5 минг гектар ерни сув босган, шундан 6.800 гектари экин экилган ерлар ва боғлардир.

Цельеда ва унинг атрофларида тошқин айниқса кўп зарар етказган. Буерда сув 50 сантиметрдан 2,5 метргача кўтарилган. Шаҳарнинг бешдан тўрт қисмини сув босган.

ГВАТЕМАЛАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 8 июнь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги Гватемалада меҳнаткашларнинг оммавий митинглари бўлаётганлиги ҳақида хабар қилмоқда. Митинг қатнашчилари президент Арбенсни қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилмоқдалар ва миллий суверенитетни ҳимоя қилмоқ учун милиция отрядлари тузишга қарор берганлар.

ТУНИСДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 8 июнь. (ТАСС). «Юманите» газетасининг хабар беришича, Тунисдаги француз бош резиденти Вуазар ҳарбий ма'мурларнинг ва полиция ма'мурларининг вакиллари блан ҳар куни кенгаш ўтказмоқда. Тунис «исёнчилари»га қарши француз ма'мурларининг операциялар ўтказишга киришганликлари ҳақида кеча баёнот э'лон қилинди.

Ма'мурлар француз колонистларини қуроллантирмоқдалар ва аслда уларга Тунис ватанпарварларига қарши курашишда чекланмаган ҳуқуқлар бермоқдалар.

Газеталарнинг хабар беришича, Тунис халқи француз мустамлакачиларига тез-тез ҳужум қилиб, бу блан ўзининг ғазабини ва норозилигини изҳор қилмоқда. Масалан, 6 июньда тунислилар Мегрин шаҳрида (Тунис яқинида) Француз полициячиларидан бир группасини ўққа тутганлар. Ўша куни Кеф шаҳри районида французларга қарашли автомашина ёндирилган.

«Юманите» газетаси Тунисдаги кескин аҳволга тўхталиб бундай деб ёзади: бундай аҳвол Франция ҳукумат доираларининг снёсати натижасида юз берди. Бунга мумкин қадар тезроқ хотима бериш, махбусларни ва сургун қилинган сиёсий арбобларни, масалан, Тунис Коммунистик партияси МК секретари Морис Низарни ва «Нео-дестур» партиясининг раиси Хабиб Бургибни озод қилиш зарур. Тунис халқининг адолатли талабларини ва унинг миллий мустақилликка бўлган орзусини қондириш керак.

АҚШДА ИШСИЗЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 8 июнь. (ТАСС). АҚШ меҳнат министрлиги янги ма'лумотларни э'лон қилди. Бу ма'лумотлар мамлакатда ишсизлар проценти анча кўп бўлган саноат марказлари сони кўпайганлигини кўрсатади. Министрликнинг хабарига қараганда, 51 та йирик саноат марказида ишсизлар сони ялланиб ишлаётган кишиларнинг умумий сонига нисбатан 6 процентдан ҳам ошиқдир. Мамлакатнинг еттита йирик саноат марказида, шу жумладан Алтуна, Жонстон, Уилкс-Барре, Хейзлтон (Пенсильвания штати), Лоуренс (Массачусетс) Провиденс (Род Айланд) шаҳарлари ва бошқа шаҳарларда ишсизлар сони ҳозирги вақтда 12 процентдан ошиб кетади.

Май ойида саноатда банд бўлган ишчилар сони камайишда давом этди Апрель ойига нисбатан саноат корхоналарида банд бўлган ишчилар сони 193 минг кишига камайган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси Прагага келди

ПРАГА, 9 июнь. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Чехословакия коммунистик партияси X с'езидида қатнашадиган делегацияси бугун Прагага келди. Делегация составида: КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, Украина КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Д. Назаренко, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Фурцева, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ В. П. Степанов бор.

Прага аэродромида КПСС делегациясини Чехословакия коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Новотний, ЧКП Марказий Комитети сиёсий-секретариатининг а'золари А. Запотоцкий, Я. Доланский, А. Чепичка, В. Копецкий, К. Бацилек, СССРнинг Чехословакиядаги элчиси Н. П. Фирюбин ва элчихонанинг масул ходимлари кутиб олдилар.

МУҒУЛ-СОВЕТ ДУСТЛИГИ ОЙЛИГИ

УЛАН-БАТОР, 8 июнь. (ТАСС). Улан-Баторда мўғул-совет дўстлиги ойлиги бошланишига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мажлисда партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, саноат корхоналарининг илғорлари, фан, адабиёт ва сан'ат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Тантанали мажлисни қисқача кириш нутқи сўзлаб Совет Иттифоқи блан маданий алоқа қилучи Мўғулистон жамияти Марказий кенгашининг бош секретари Дугурсурун очди.

«Мўғул халқининг улуғ совет халқи блан бўлган бузилмас дўстлиги — барча ғалабаларимизнинг ва муваффақиятларимизнинг битмас-туганмас манбаи'дир» деган темада Совет Иттифоқи блан маданий алоқа қилучи Мўғулистон жамияти Марказий кенгашининг раиси Ширендиб доклад қилди. Докладчи совет ва мўғул халқларининг қардошлик дўстлиги Мўғулистон Халқ Республикаси учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўзлаб берди ва бу дўстлик Мўғулистон Халқ Республикасининг янада яшнаши учун ишончли гарантия эканлигини уқтириб ўтди.

Тантанали мажлисда СССРнинг МХР даги фавқулодда ва мўхтор элчиси В. И. Писарев ҳам нутқ сўзлади.

Чехословакия тинчлик тарафдорлари комитетининг мажлиси

ПРАГА, 8 июнь. (ТАСС). Кеча Прагада Чехословакия тинчлик тарафдорлари комитетининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда Чехословакия тинчлик тарафдорлари комитетининг раиси Анежка Годинова-Спурна Жаҳон Тинчлик Кенгаши фавқулодда сессиясининг якунлари тўғрисида доклад қилди. У Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Берлинда бўлган фавқулодда сессиясида муҳокама қилинган масалалар тўғрисида муфассал сўзлаб берди. Словакия тинчлик тарафдорлари комитетининг раиси Александр Горак шу масала юзасидан қўшимча доклад қилди.

Музокарада республиканинг турли областларидан келган вакиллар қатнашдилар. Музокаралардан кейин Чехословакия тинчлик тарафдорлари комитети қарор қабул қилди, бу қарорда комитет Жаҳон Тинчлик Кенгаши фавқуллодда сессиясининг қарорларини ма'қуллади ва бу қарорларни ўзининг яқин фурсатдаги иши учун директивалар сифатида қабул қилди.

Мажлис қатнашчилари данияли улуғ ёзучи Мартин Андерсен Нексенинг хотирасини ҳурмат блан эсга олдилар.

ҚХДРда ишчилар ва инженер-техник ходимлар орден ҳамда медальлар блан мукофотланди

ПХЕНЬЯН, 8 июнь. (ТАСС). Бугун Корея Марказий телеграф агентлиги КХДР Олий халқ мажлиси президиумининг Хванхю металлургия заводининг биринчи мартен печини тиклаган ишчиларни ва инженер-техник ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни э'лон қилдилар.

Меҳнат ордени ва иккинчи ҳамда учинчи даража Давлат байроғи ордени блан 7 киши, «Меҳнат соҳасидаги хизматлари учун» медали блан 12 киши мукофотланган.

Швецияда совет эстрада артистларининг муваффақияти

СТОКГОЛЬМ, 8 июнь. (ТАСС). Совет эстрада артистларидан катта бир группасининг дастлабки уч концерти бўлди. Нючепинг, Фагерста ва Евле шаҳарларининг парклари да бўлган бу концертлар Швеция тамошабинларини ғоят қизиқтирди. Нючепингдаги концертга бир мингдан кўпроқ тамошабин тўпланди. Программанинг ҳарбир номерини тамошабинлар гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар.

Швеция газеталарининг ёзишича, совет артистларининг биринчи концертиёқ зўр муваффақиятлар блан ўтди. Нючепингдаги концертга тўпланган тамошабинлар, деб ёзади «Афтонбладет» газетаси, совет артистларининг чиқишларини гулдурос овация ва «яша» деган хитоблар блан кутиб олдилар.

Совет артистлари Швециянинг 21 шаҳарида концерт қўйиб берадилар.

Теҳрондаги ойна-шиша заводидаги портлашга доир

ТЕҲРОН, 8 июнь. (ТАСС). «Дун'ёи эмруз» газетаси хабар беради: сўнгги ма'лумотларга қараганда, Бани Хошимийдаги ойна-шиша заводида юз берган портлаш натижасида 80 дан ортиқ киши ҳалоқ бўлган ва 200 киши оғир ярадор бўлган. Газетанинг ёзишича, бу заводда жам'и 500 киши ишлаган, шундан 200 таси 12 ёшгача бўлган болалардир.

Француз янги бош қўмондони Сайгонга келди

ЛОНДОН, 8 июнь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: Ҳинди-Хитойдаги француз қуролли кучларининг янги бош қўмондони ва Франциянинг Ҳинди-Хитойдаги бош комиссари генерал Эли ўзининг ёрдамчиси генерал Салан блан биргаликда бугун бу ерга келди.

Жазойир врачлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Четэллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келган Жазойир врачлари делегацияси Ўзбекистонда уч кун меҳмон бўлди.

Жазойир врачлари Ўзбекистон пойтахтида шаҳарнинг хушманзара жойларини тамоша қилдилар, Совет Шарқидаги республикалар учун медицина кадрлари тайёрловчи Молотов номли Тошкент Медицина институтида бўлдилар, даволаш ва маданий-оқартув муассасаларининг, шунингдек Сталин номли тўқимачилик комбинатидаги ишлабчиқариш цехларини бориб кўрдилар. Меҳмонларни Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари У. Соипов қабул қилди. Ўртоқ Соипов Ўзбекистонда меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Жазойир интеллигенцияси вакиллари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати бошқармасида бўлдилар ва муфти Эшон Бобохон ибни Абдул Мажидхон блан анча вақт суҳбат қилдилар. Меҳмонлар Калинин районидаги Сталин номли колхозга, «Октябрь Х йиллиги» дам олиш уйига саёҳат қилдилар.

Делегация а'золари Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан Ўзбекистонга қилган сафарлари тўғрисида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтдилар:

— Биз, — деди жазойирли хирург Жозеф Серор, — Ўзбекистонда бўлган вақтимизда Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш соҳасида кўп иш қилаётганлигини ўз кўзимиз блан кўриб ишондик. Даволаш ишлари яхши уюштирилганлиги натижасида касаллар сони камайиб бораётганлиги бизда катта таассурот қолдирди.

Жазойир университетининг ходими доктор Пьер Плян бундай деди:

— Ўзбекистонда яшовчи кишилар хушчақчақ ва меҳмондўст кишилар эканлигини алоҳида та'кидлаб ўтаман. Бу, тақдирга ғоят сазовордир.

Делегация а'зоси доктор Рида Земерли Ўзбекистонда медицина хизмати ишларининг қўйилиши тўғрисида гапириб, қуйидагиларни айтди:

— Бошқа ҳечқайси мамлакатда бундай аҳволни кўрмаймиз. Соғлиқни сақлаш ишларининг бу даража яхши уюштирилганлигига астойдил қойил қолиш мумкин.

Делегация раҳбари Жан-Мари Ларибер ўз таассуроти тўғрисида гапириб, бундай деди:

— Ўз кўзимиз блан кўриб билганларимизнинг энг муҳими шундан иборатки, яқин ўтмишда мустамлака мамлакати бўлган Ўзбекистон ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантириш соҳасида олга қараб катта қадам қўйган. Бу эса, Совет ҳокимиятининг илгариги мазлум миллатларга жуда катта имкониятлар берганлигини исбот этучи энг яхши далилдир.

Биз Тошкентдаги медицина ва маданий муассасаларнинг ишлари блан танишиб, тўқимачилик комбинати цехларини кўздан кечириб, Сталин номли колхознинг ҳаётини ўрганиб, шундай қарорга келдик: Совет Иттифоқининг ҳамма қисмидагидек Ўзбекистонда ҳам турли миллат кишилари дўст оилада яшамоқдалар, тенг ҳуқуқлардан фойдаланмоқдалар. Биз, ўзбеклардан чиққан олим, профессорларни, саноат ва қишлоқ хўжалигида раҳбар лавозимларда ишлаётган ўзбекларни ўз кўзимиз блан кўрдик. Биз, жамиятда эркаклар блан хотин-қизларнинг ҳуқуқий тенгсизлигини доим кўриб келган эдик. Совет Шарқидаги хотин-қизлар учун халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча соҳаларида ўз кучлари, ўз билим ва қобилиятларини кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратилганлигини кўриб жуда хурсанд бўлдик. Бу — Совет Иттифоқида амалга оширилаётган миллий сиёсатининг ажойиб самарасидир.

Жан-Мари Ларибер Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларига баҳо бериб, қуйидагиларни та'кидлаб ўтди: Кенг халқ оммасига ҳар жиҳатдан кўрсатилаётган медицина ёрдами делегациянинг бошқа а'золари каби менда ҳам чуқур таассурот қолдирди.

Жан-Мари Ларибер медицина ёрдами яхши уюштирилганлигига юксак баҳо берди, Ўзбекистонда поликлиника ва касалхоналар ва меҳнаткашлар бепул даволанаётганликлари ва яхши консультация олаётганликларини хурсандчилик блан қайд қилиб ўтди.

Жан-Мари Ларибер ва Жазойир врачлари делегациясининг бошқа а'золари ўзларини Ўзбекистон меҳнаткашлари томонидан дўстона ва самимий кутиб олинганликлари учун чин кўнгилларидан ташаккур билдирдилар.

Жазойир врачлари делегацияси 8 июньда Москвага учиб кетди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗ ШАХМАТЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Колхоз шахматчиларининг Саратовда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ мусобақасида Ўзбекистон ССР «Пахтакор» спорт жамиятининг командаси муваффақиятли мусобақалашди. Ўзбекистон вакиллари, Молдавия, Эстония, Литва, Армения, Тожикистон ва Озарбайжон шахматчилари устидан ғалаба қозондилар. Мусобақа натижасида «Пахтакор» жамиятининг шахматчилари 36 очко олдилар ва тўртинчи ўринни эгалладилар. (ЎзТАГ).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

* Оҳангарон шаҳрининг қиёфаси тобора ўзгармоқда. Марказий посёлкада 300 кишилик ошхона ва 450 киши сиғадиган клуб бинолари қурилди. Шунингдек Сталин, Пушкин, Фрунзе, Киров, Дзержинский кўчаларидаги тратуарларга асфальт ётқизилди.

И. Муллажонов.

* Ўртачирчиқ районининг маркази Тўйтепада икки қаватли универмаг биноси қурилди. Ҳозир универмагнинг бўлимларини зарур ускуналар блан жиҳозлаш ва бўяш ишлари олиб борилмоқда.

Х. Шарипов, Н. Тен.

* Ўртачирчиқ район, Тўйтепа қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозда моторлаштирилган электр сушилка қурилди. Бу сушилка ҳар куни 10 — 15 тонна нам пахтани қуритаолади. Шунингдек колхозда суғориш насос станцияси қурилди.

Х. Жалилов.

* Янгийўл район, Свердлов қишлоқ советидаги «XIX партия с'езди» колхозида иккита электр трансформатор станцияси қурилиб, 700 дан ортиқ колхозчининг уйи электр нури блан ёритилди, 150 колхозчининг уйига радиокарнай ўрнатилди.

Ф. Кўзиев.

* Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхозда ўрта мактаб биносини қуриш учун давлат томонидан бирярим миллион сўм пул ажратилган эди. Май ойида янги мактабга фундамент қўйилди. Мактаб қурилиши янги ўқув йилигача тамомланади.

А. Абдуллаев.

* Оржоникидзе район, Ялонгоч санаториясида дам олучи меҳнаткашларга катта ғамхўрлик қилинмоқда. Улар хушчақ-чақ дам олиш блан бирга фан ва техника, халқаро аҳвол каби турли темаларда лекциялар тингламоқдалар. Санатория врачларидан Алимов «Сил касали ва унга қарши кураш», Тқачева «Соғлиқни сақлашда физзарядканинг аҳамияти» темаларида қизиқарли лекциялар ўқидилар.

А. Абдумажидов.

* Тошкент шаҳар Тахтапул кўчасидаги 12-нчи ҳаммом қайта қурилиб, кенгайтирилди. Ҳаммом ичида сартарошхона, сув будкаси, кийим ювиш хонаси ва ўқиш заллари бор.

М. Мирзақобилов.

*Гулистон район марказидаги Крестьянский қишлоғида район алоқа бўлимининг ташаббуси блан киоска ташкил қилинди. Ҳозир бу киоскада республика ва район газеталари, турли журналлар ва ҳархил илмий-сиёсий, бадиий адабиётлар ҳамда қишлоқ хўжалигига оид брошюралар сотилмоқда.

Т. Рўзибоев.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 10/VI да **Қутлуг қон**, 11/VI да ёзги бинода — **Отелло**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 10/VI да **Муқимий**, 11/VI да қишки бинода — **Олтин кўл**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 11/VI да **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

12 ва 13/VI да Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Тамарахоним концертлари**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кеч соат 8 гача), НАВОИЙ номли (кеч соат 8 гача), «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» — янги бадиий фильм **Партизан болалари**.

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Парм ибодатхонаси** (1-нчи серия).

ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Еш Карузо**.

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Сепли тўй**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли — **Партизан болалари**.

«9-НЧИ МАЙ» — **Сепли тўй**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — **Одам шарафига**.

ПУШКИН номли — **Содиқ дўстлар**.

СОБИР РАҲИМОВ номли — **У, ватани ҳимоя қилади**.

«ОКТЯБРЬ» — **Любовь Яровая** (иккала серия).

Ўрта Осиё давлат университети биология-тупроқшунослик факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 35-нчи уй, 133-нчи аудитория) қуйидагилар биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1954 йил 18 июнь кундуз соат 4 да:

1. **Д. А. Мусаев**: «Ингичка толали совет ғўза нав'ларини яратишда узоқ дурагайлаш усули (Мичурин методларини қўлланиш тажрибаси)» деган темада.

2. **Н. С. Запрометова**: «Ўзбекистон чўлларининг бута шўраси (Уларни ўстириш масаласига доир)» деган темада.

1954 йил 19 июнь кундуз соат 4 да **Л. И. Кургульцева**: «Сувнинг ғўза илдизига кириш тезлиги» деган темада.

Диссертациялар блан университетнинг асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 8-нчи уй).

А. Е. Ефремовнинг техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун **ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЕҚЛАШ** 9 июньдан **1954 йил 30 июньга кўчирилади** ва Абдулла Тўқаев кўчаси, 1-нчи уй, конференц-залда кундуз соат 2 да бўлади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, э'лонл